

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Самарқанд давлат чет тиллар институти
Роман-герман филологияси факультети
Немис тили ва адабиёти кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 4 Н(нем.)

КБК 81.2 нем.-З

Б. 86

Ботирова Элмира Тошмаҳаммадовна

НЕМИС ТИЛИДА ИЛОВА ҲОДИСАСИ

5A120102 Лингвистика (немис тили)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси

Илмий раҳбар: доц. М.Б.Бегматов

Кафедранинг 2015 йил 19 майда
бўлиб ўтган йиғилишининг
10- сонли баённомаси билан ҳимояга
тавсия этилди.

Кафедра мудири

доц.М.Бегматов

С а м а р қ а н д - 2015

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
Биринчи боб: Тилшуносликда илова ҳодисасининг ўрганилиши....	7
1.1. Тилшунос олимларнинг илова ҳодисаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари.....	7-21
1.2. Герман тилшунослигида илова ҳодисасининг ўрганилиши....	22-31
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	32
Иккинчи боб: Немис тилшунослигида илова ҳодисаси.....	33
2.1. Иловали элементларнинг асосий функциялари	33-42
2.2. Иловали элементларнинг коммуникатив функциялари.....	43-52
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	53
Учинчи боб: Иловали элементларнинг структура ва маъно хусусиятлари.....	55
3.1. Иловали элементларнинг структуравий хусусиятлари.....	55-62
3.2. Иловали элементларнинг маъно хусусиятлари.....	63-68
Учинчи боб бўйича хулосалар	69-71
Хулоса	72-75
Фойдаланилган дабиётлар	76

КИРИШ

Мураккаб синтактик бутунлик терминологик тушунчаси йирик синтактик бирликлар терминологик тушунчасига нисбатан қисман қулайроқ бўлганлиги, унинг лингвистик моҳияти биз танлаган мавзунинг лингвистик моҳиятига мос келганлигини ҳисобга олиб, бундан кейин ишимизда мураккаб синтактик бутунлик тушунчасини кўпроқ татбиқ қилишни асосий мақсад қилиб олдик. Чунки ҳозирги даврда жуда кўплаб тилшунослик фанларида мураккаб синтактик бутунлик синтактик-стилистик ҳодиса сифатида кўплаб ишлатилмоқда ва унинг янги-янги номланувчи вариантлари юзага келаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Демак, мураккаб синтактик бутунликка нисбатан қўлланилаётган бундай хилма-хил терминологик тушунчалар қандай аталишларидан катъий назар, улар ягона лингвистик моҳиятга эга бўлади ва фақат шу синтактик стилистик ҳодиса учун хизмат қилади. Лекин, мураккаб синтактик бутунликнинг лингвистик моҳиятини изоҳлашда албатта уларнинг структуравий гуруҳларини ҳам эътиборга олиш айтиш муддао бўлади.

Мавзунинг долзарблиги. Илова ҳодисаси ҳозирги кунгача қанчалик ўрганилиш тарихига эга бўлмасин, у доимо ҳар қандай тилшунослик фани доирасида энг муҳим, кам ўрганилган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолаверади. Чунки илова ҳодисаси назариясининг тарафдорлари бу мавзуга кўпинча Ж. Б. Буроновнинг таъбири билан айтганда юзаки ёндашишга ҳаракат қилишадилар. Бошқача қилиб айтганда, илова ҳодисасининг лингвистик моҳиятини, шунингдек у билан боғлиқ бўлган кўпгина хусусиятларни (структуравий, маъновий, типологик, фонетик ва бошқалар)

грамматика фани нуқтаи назаридан ечишга ҳаракат қилишади-ю, Бироқ унга боғлиқ бўлган бундай хусусиятларни матн нуқтаи назаридан талқин этишмайди. Натижада илова ҳодисасининг кўп томонлари изланиш доирасидан четда қолгандай туюлади. Баъзи ҳолларда илова ҳодисасининг семантик, услубий ва бошқа хусусиятлари алоҳида ўрганилади, лекин уларнинг ана шундай хусусиятлари билан бевосита боғлиқ бўлган ички қонуниятлари изланиш рамкасида четда қолаверади. Демак, илова ҳодисасини ўрганишга нисбатан бўлган бундай муносабат кутилган натижага олиб келмайди.

Шунинг учун ҳам биз ушбу диссертация доирасида илова ҳодисасини ўрганишда, у ҳодиса билан бевосита боғлиқ бўлган ташқи ва ички қонуниятларни параллел ўрганишга ҳаракат қилдик. Илова ҳодисасини бундай тартибда ўрганиш , биринчидан, иш ҳажмида кутилган натижаларга олиб келиши ва иккинчидан, эса илова ҳодисасини доимо долзарб ҳодисалардан бири эканлигини яна бир бор таъкидлаши мумкин .

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Илова ҳодисаси ва унинг хусусиятлари умуман тилшуносликда, жумладан герман тилшунслигида маълум даражада ўрганилган. Таъкидлаш керакки, ушбу мавзу немис тилшунослигида нисбатан камроқ тадқиқ қилинган. Олиб берилган тадқиқотлар натижасида мазкур мавзу бўйича Б.Т.Турсуновнинг докторлик диссертацияси. Б.М.Ахмедованинг номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқот ишининг мақсади немис тилшунослигида илова ҳодисасини тадқиқ қилишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади:

Тилшуносликда илова ҳодисаси муаммосини ўрганиш, илова қурилмада иловали элементларнинг асосий функцияларини аниқлаш, илова элементларнинг структура ва маъно хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ҳар қандай илмий тадқиқот изланиш, у қандай мавзуга боғлиқ бўлишидан катъий назар, маълум даражада янгиликка эга бўлиши мумкин. Чунки бирон-бир ҳодиса устида олиб борилган изланиш жараёнида маълум бўлган фикр ва мулоҳазалар асосида маълум бўлмаган, бошқача қилиб айтганда, ечилмаган, аниқланмаган хулосалар яратилиши мумкин. Шу сабабли иловали элементларнинг илова қурилма таркибида бажариб келатган функциялари биринчи марта ана шундай диссертация ҳажмида, тўлдирувчилар билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар намунасида таҳлил қилинмоқда. Иловали элементларнинг илова қурилма атрофида бажариб келатган функцияларини бундай тартибда таҳлил қилиш асосида юзага келатган хулосалар, биринчидан илова ҳодисаси тўғрисида мавжуд бўлган назарияни бойитиб, тўлдириб келиши ва иккинчидан, янги изланишлар учун текшириш объектини яратиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. Тадқиқот ишида ўрганилган ва таҳлил қилинган кўплаб назарий ишлар: монографиялар, номзодлик ва диссертациялари, илмий мақолалар асосида ишда мазмун назарий хулосалар чиқарилган. Ана шу хулосалардан назарий грамматика стилистика фанларидан маърузалар матнларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Ишда баён қилинган фикр-мулоҳазалардан олийгоҳлар ва филология факультетлари учун мўлжалланган Ўқув ва услубий қўлланмалар, методик кўрсатмалар,

танланган мавзу асосида ўқиётган махсус курслар учун машқлар тўплами тўзишда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация ишида баён қилинган хулосалар немис тили бўйича амалий дарсларда, таҳлил, уйда ўқиш дарсларида, стилистика фани бўйича ўтказиётган семинар машғулотида, таржима амалиётида кенг қўламда қўлланилиши мумкин. Ишнинг натижалари таржима санъатида, жумладан бирон-бир асарни немис тилидан ўзбек тилига ағдаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Келтирилган хулосаларга таянган ҳолда, шу мавзу бўйича машқлар тўплами тўзиш ва ниҳоят мактаб ҳамда олийгоҳларда ёзма ишлар ўтказиш бўйича махсус методик кўрсатмалар яратиш мумкин. Умуман олганда, ишнинг натижалари айрим грамматик ҳодисаларга изоҳ беришда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг методик аҳамияти. Синтактик, семантик, трансформацион таҳлил методларидан фойдаланилди.

Ишнинг яратилишида илова ҳодисаси доирасида мавжуд бўлган барча назарий концепциялар методик асос бўлиб хизмат қилди. Иш жараёнида қуйидаги: структуравий, маъновий, баъзи ҳолларда трансформацион методлардан фойдаланилди.

МД структураси. Иш кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

I боб: Тилшуносликда илова конструкциянинг ўрганилиши

1.1. Тилшунос олимларнинг илова конструкция ҳақидаги фикр-мулоҳазалари

Мураккаб синтактик бутунлик тилда мавжуд бўлган синтактик бирликларнинг шундай бир кўринишики, унинг таркибига кирувчи содда ёки қўшма гаплар грамматик жиҳатдан мустақил бўлиб, ўзаро умумий мазмун томонидан боғланадилар. Бошқача қилиб айтганда, бундай мураккаб синтактик бутунликларда бир неча мустақил содда ёки қўшма гаплар ўртасида умумий алоқадорлик мавжуд бўлади. Мураккаб синтактик бутунликни ташкил этувчи компонентлар (гап бўлаклари, содда ва қўшма гаплар) ўртасида мавжуд бўлган мазмуний алоқадорлик маълум бир умумий предмет ёки ҳаракат-ҳолат асосида юзага чиқади. Бунда грамматик жиҳатдан мустақил гаплар бир-бири билан ҳаракат-ҳолат орқали боғлиқ бўлиб, конкретлаштириб келади. Баъзи ҳолларда уларнинг конкретлашган маъно хусусиятлари умумлаштирилиши ҳам мумкин. Мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий ва маъно хусусиятларининг қандай бўлишлиги уларни ташкил қилувчи компонентларнинг грамматик жиҳатдан ифодаланишига ҳам боғлиқ бўлади. Шу орада бундай синтактик бирликларни ташкил этувчи ана шу компонентлар орасида мавжуд бўлган синтактик алоқаларнинг тўрини ва характерини ҳам эътиборга олмоқ зарур. Мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий турларини ва хусусиятларини ўрганишга жуда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари, мақолалар бағишланган.

Ҳақиқатдан ҳам мураккаб синтактик бутунликни лингвистик моҳиятини тўғри ҳал қилиб бўлмайди. Ҳозиргача мавжуд бўлган ва ҳар хил тиллар материаллари асосида яратилган илмий тадқиқот ишларида

мураккаб синтактик бутунликнинг барча структуравий хусусиятлари бир хил тўлалигича ва атрофлича ўрганилган деб хулоса чиқариш айти муддао бўлмайди, чунки бизга маълум бўлган ва мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий хусусиятларини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқот ишларида ҳам бу мавзунинг айрим соҳалари изланиш доирасидан ёки изланувчиларнинг диққат эътиборидан четда қолиб кетмоқда.

Ушбу фикрлар асосида муаллиф қуйидаги хулосага келади: "тизма боғланишли мураккаб синтактик бутунлик биринчи гапнинг эгасини кесим функциясида, ёки аксинча кесимнинг эга функциясида келишлиги билан характерланади". Бироқ, мураккаб синтактик бутунлик таркибида содир бўладиган бундай ўзгаришлар кенгрок характерга эга бўлиши ҳам мумкин.

Мураккаб синтактик бутунликни структуравий гуруҳларга ажратишда Г.Я. Солганик томонидан тадбиқ қилинган, бундай принципларни у ёки бу тиллар материаллари доирасида олиб борилаётган тадқиқот изланишларида тадбиқ қилинса, анчагина қулайликларни туғдириши мумкин. Чунки, муаллиф ўзининг монографиясида мураккаб синтактик бутунликнинг тизма ва параллел боғланишларга асосланган структуравий гуруҳларни таҳлил қилиш билан бир каторда, мураккаб синтактик бутунликнинг учинчи структуравий гуруҳини ҳам таҳлил қилган. Мураккаб синтактик бутунликнинг бу структуравий гуруҳи иловали алоқаларга асосланган ва улар илова қурилмалар деб юритилади. Шу сабабли тилшуносликда мураккаб синтактик бутунликнинг бундай структуравий гуруҳи ё илова қурилма, ё илова алоқаларига асосланган мураккаб синтактик бутунлик деб номланади.

Иловали боғланишларга асосланган бу мураккаб синтактик бутунлик ўзининг структуравий шаклланиши билан тизма ва параллел мураккаб синтактик бутунликдан фарқ қилади. Бу фарқ энг аввало асосий ифодага бирикиб келувчи иловали элементларнинг интонацион тугалликка эга бўлишлиги билан характерланади ва ёзма нутқда "нуқта" тиниш белгиси қуйиш билан ифодаланади. Бундай илова қурилма компонентлари орасида "нуқта" тиниш белгисининг ишлатилиши, биринчидан асосий ифода функциясида келувчи гапнинг грамматик жиҳатдан мустақиллигини кўрсатса, иккинчидан унга бирикиб келган иловали элементларнинг ҳам структурал, ва ҳам интонацион жиҳатдан мустақил компонент эмаслигини кўрсатади, чунки улар ана шу асосий ифода туфайли унинг маъносини тўлдириш, конкретлаштириш, изоҳлаш мақсадида намоён бўлади. Контекстдан ажратиб олинган гап грамматик мустақилликни сақласа ҳам контекстдаги бошқа гаплар билан боғлиқ бўлган фикрий тугаллигини йўқотади. Илова қурилма эса ўз навбатида боғланишли нутқ жараёнида фикрий тугалликни сақлаш ва уни юзага келтириш учун хизмат қилади. Чунки, у тўзилиши жиҳатдан икки ёки ундан ортик коммуникатив нутқ бирликларидан иборат бўлади. Коммуникатив нутқ бирликлари илова қурилмани ёки иловали муносабатларга асосланган мураккаб синтактик бутунликни ҳосил бўлишида бевосита иштирок этадилар. Фикримизнинг далили учун баъзи бир илмий изланишларнинг хулосаларидан намуна келтирамиз. А.А. Андриевская ҳозирги замон францўз тили материаллари асосида илова қурилмани таҳлил қилиб, бундай илова қурилмалар мураккаб синтактик бутунликнинг ўзгинаси деб таъкидлайди ва унинг коммуникатив нутқ бирликларига нисбатан Ш. Балли томонидан олға сурилган "тема" ва

"рема" тушунчаларини куллайди. Шу асосда илова қурилманинг биринчи компоненти, яъни асосий ифода "тема" тушунчаси билан, иккинчи компоненти, яъни иловали элемент "рема" ёки "рематик" тушунча билан белгиланади. Тема бу ерда ҳаракатнинг бошланиши деб тушунилади, рема эса унинг ривожланиши, конкретлашувидир. Бу иккала тушунчанинг илова алоқаларига асосланган мураккаб синтактик бутунлик компонентларига нисбатан кулланиши иловали элементнинг яна бир хусусиятини очиб беришга сабаб бўлади.

Бу билан илова қурилмалар табиатига хос бўлган яна бир хусусиятини изоҳлашга замин тайёрлайди. Бу ҳол иловали элементларнинг гапнинг актуал бўлинишидаги компонентларига нисбатан бўлган муносабатини аниқлаш билан характерланади. А.А. Андриевскаянинг бу мулоҳазалари йирик тилшунос олим Е.А. Реферовскаянинг "Лингвистические исследования структурн текста" номли монографик асарида ҳам қайд қилинади. Е.А. Реферовская иловали элементларнинг рематик компонентлар функциясида келишини қуйидагича изоҳлаган: "умуман олганда, гапларнинг актуал бўлиниши назарияси нуқтаи назаридан иловали элементларнинг ўзи бу рематик компонентларнинг ўзгинасидир, чунки улар мавжуд бўлган етакчи гапларга нисбатан "қўшимча" компонент сифатида юзага келади".

Ҳақиқатдан ҳам иловали қурилмага ёки унинг ажралмас қисми бўлмиш иловали элементларга нисбатан берилган бундай баҳолар бу ҳодисанинг ниҳоятда долзарб эканлигидан, унинг ўрганилиши тарихи ўзок бўлишидан катъий назар, ҳали ҳам мукамал, ҳар томонлама тўла ўрганилмаганлигидан далолат бериб туради. Шунинг учун ҳам Б.Т. Турсунов ўзининг докторлик диссертациясида илова ҳодисаси бу бир

унверсал типологик лингвистик ҳодисадир, уни таҳлил қилаверсанг, янги-янги томонлар кўз олдимизда намоён бўлаверади, бунинг манбаи биринчидан, тилшунос олимларнинг илмий тадқиқот ишлари бўлса, иккинчидан эса хар-хил функционал услубни ўзида мужассамлантира оладиган немис ёзувчиларининг бадиий, прозаик-поэтик асарларидир дейди. Илова ҳодисаси тўғрисидаги бу мулоҳазалар Ж.Б. Буроновнинг гапларнинг "ички" ва "юзаки" концепциясини ҳам эслатади. Чунки Ж.Б.Буронов концепциясининг асосий лингвистик моҳияти бирон-бир тилга оид ҳодисани ўрганишда, унга фақат "юзаки" ёндашмасдан, яъни аниқланган, изоҳланган томонларни таҳлил қилибгина қолмасдан, балки унинг ички қонуниятларигача таянган ҳолда номаълум, ҳали ёритилмаган томонларини ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Илова қурилма ва унинг ажралмас қисми бўлмиш иловали элементларни гапнинг актуал бўлиниши назарияси нуқтаи назаридан ўрганиш юқорида таъкидланган фикр ва мулоҳазаларга амалий жавоб бўлади. Чунки иловали элементларни гапларнинг актуал бўлиниши компонентлари, аниқроғи рема функциясида ўрганиш ўзининг маълум бир тарихига эга. Бу ўринда М.Е.Шафировнинг "Соотнесенность присоединенного компонента с компонентами актуального членения предидущего предложения" номли илмий мақоласида келтирилган айрим фикрларни баён этамиз. М.Е.Шафиро чех тилшунос олими В. Матезиус томонидан таклиф қилинган " гапнинг актуал бўлиниши" терминини рус тилшунослигида тадбиқ қилиб, унинг лингвистик моҳиятини кенгайтиради, яъни унинг компонентлари бўлмиш "тема" билан "рема"ни ягона гап доирасида эмас, балки мураккаб синтактик бутунлик доирасида тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Шу сабабли

М.Е.Шафировнинг "Иловали компонентнинг гапнинг актуал бўлиниши компонентларига муносабати мавзусида" деб номланган ва юқорида қайд қилинган илмий мақоласи юзага келди. Ушбу мақолада илова қурилма табиатига мос келган бир катор мисоллар таҳлил қилинади ва иловали элементнинг рематик функцияси изоҳлаб берилади.

Бу мисолларнинг таҳлиliga утишдан аввал Г.Н.Рыбакованинг куйидаги фикрларини келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз: "Эргашган кўшма гапларнинг грамматик бўлиниш чегараси гапнинг актуал бўлиниш чегарасига ҳамма вақт ҳам мос келавермайди.". Г.Н.Рыбакова томонидан олға сурилган бу фикр шу таҳлил қилинаётган мисоллар мазмунига ҳам алоқадордир. Чунки таҳлил қилинаётган ушбу мисоллар таркибида "ажралиш","бўлиниш" содир булаяпти, бу бўлиниш гапнинг актуал булиниши ҳам деб юритилиши мумкин. Ана шундай актуал бўлиниш натижасида илова қурилма ҳодисаси содир бўлади ва бу қурилманинг структурасини ташкил этувчи асосий ифода ва иловали элемент ҳам юзага келади. Ушбу жараёнда содир бўлаётган иловали элементлар гапнинг актуал бўлиниши назарияси; жиҳатидан "рема" ёки "рематик" бирликлар ҳам деб аталиши мумкин.

Илова ҳодисаси доирасида айтилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, биз илмий тадқиқот ишимизда анъанавий характерга эга бўлган у ёки бу тадқиқот ишларида доимо тадбиқ қилиниб келаётган ва ,ниҳоят ишимизнинг мавзусига монанд бўлган терминологик тушунчалардан фойдаланган ҳолда иш тўтамиз. Мақсадимиз биз танлаган мавзуга нисбатан канака терминологик тушунчалардан фойдаланиш эмас, балки бу терминологик тушунчаларнинг лингвистик моҳиятини тўғри аниқлай олиш ва уни

кўзланган мақсадга тўғри йуналтира олишдан иборатдир. Баъзи ҳолларда биз танлаган мавзу китобхонга танишдек, худди такрорланаётган мавзудек туюлиши мумкин. Аксинча, ундай эмас. Илова ҳодисаси қарийб 150 йилдан кўпроқ вақтдан бери ўрганилиб келинаётган бўлса ҳам, Бироқ ҳозирги кунгача биронта ҳам тилда тулигича ўрганилмаган. Хатто, илова қурилманинг энг содда ҳисобланган структуравий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлган илмий манбаларга кўра атрофлича ўрганилмаган.

Кейинги вақтларда илова ҳодисасини ўрганишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Натижада илмий изланишларнинг текшириш объекти қилиб илова қурилманинг алоҳида-алоҳида структуравий гуруҳлари танланди. Илмий изланишларга нисбатдан қулланган бундай методлар ижобий натижага олиб келди. Шу асосда олиб борилган баъзи бир илмий изланишлардан намуна келтирамиз: Г. Н. Рыбакова рус тили материаллари асосида эргашган кўшма гап ёрдамида ифодаланган иловали элментларнинг структуравий ва маъно хусусиятларини таҳлил қилиб қуйидагича хулосага келган: илова ҳодисасининг юзага келишидаги қулайликлар қуйидагилардан иборат:

- а) асосий ифода таркибида иловали элементга ўхшаш эргаш гап келса;
- б) иловали элемент функциясида келувчи эргаш гап асосий ифодага нисбатан изоҳлаш конкретлаштириш мазмунига эга бўлса;
- в) иловали элемент функциясида келувчи эргаш гап асосий ифодадаги бирон-бир компонентга боғлиқ бўлса, яъни - " Местные женщины! всегда кладут цветы на могилы приезжих. Особенно те, что сами ходят в черном". каби структуравий гуруҳлари. Ж. Е. Петрашевская илова

ходисасини англиз тилида келтирилган содда гап структураси оркали таҳлил қилган. Илова қурилманинг структуравий гуруҳларини бу тартибда ўрганишга ва таҳлил қилишга жуда кўплаб илмий мақолалар, монографик асарлар, дарсликлар, Ўқув ва методик қўлланмалар бағишланган.

Илова қурилманинг структуравий, маъновий, услубий ва бошқа бир қатор хусусиятларини ўрганишга жуда кўплаб илмий тадқиқот изланишлари бағишланган. Бу изланишларда илова қурилманинг структуравий хусусиятларига турли хил муносабатда бўлишади. Натижада, иловали элементларнинг структуравий хусусиятлари билан бевосита боғлиқ бўлган айрим томонлари изланиш доирасидан четда қолади ёки унга юзаки муносабатда бўлишади. Бундай ҳолнинг келиб чиқишида бизнингча, иккита омил асосий сабаб бўлиши мумкин: биринчидан, тадқиқотчилар томонидан иловали элементларнинг барча структуравий гуруҳларини ягона битта илмий мақола ёки илмий тадқиқот иши ҳажмида таҳлил қилиниши; иккинчидан эса илова ходисасини ўрганишга бағишланган барча илмий манбалардан етарлича фойдаланмаслик.

Н.Н.Голикова ўзининг "Лингвистический статус и коммуникативная сущность присоединительных конструкций" номли илмий мақоласида бундай муносабатларни келтириб чиқарувчи бошқа омиллар ҳам бор, у ҳам бўлса "илмий изланишларда муаллифлар томонидан таҳлил қилинаётган фактларни (яъни мисолларни) илова назарияси моҳиятига мос келмаслигидир" - дейди.

Бу каби тезислар иловали элементларнинг структуравий хусусиятларини ўрганишда, яъни таҳлил қилишда уларнинг фақат анъанавий, маълум томонларига эътибор берилаётганлигидан, бироқ

уларга хос бўлган, лекин ҳали изланиш объектига айланмаётганлигидан уларга эътибор берилмаётганлигидан хабар беради.

Иловали элементларнинг структуравий хусусиятига хос бўлган, лекин махсус изланиш предметида айланмаган функцияларидан бири, уларнинг рема, яъни рематик функцияларда кела олишидир. Илова элементларининг рема функциясида келиши гапларнинг актуал бўлиниш назариясини илова назарияси билан бевосита боғлиқлигини яна бир бор кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади, мураккаб синтактик бутунлик назариясини тўлдиради, кенгайтиради. Натижада, илова қурилма ҳам, шунингдек гапнинг актуал бўлиниши ва мураккаб синтактик бутунликлар ҳам ягона синтактик, стилистик ва коммуникатив бутунликлар доирасида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ягона синтактик birlik сифатида таҳлил қилиниши мумкин.

Энг қизиги шуки, иловали 'элементларнинг гапнинг актуал бўлиниши компоненти, аниқроғи "рема" функциясида келиши 60-йилларда аниқланган эди. Бу фикр йирик тилшунос олим М.Е. Шафирога тегишли. У ўзининг ёзган илмий мақолаларида чех лингвистларининг "гапнинг актуал бўлиниши" ҳақидаги фикрларини ижобий давом эттиради ва уни янги томондан бойитади. М. Е. Шафиронинг бу соҳада қилган асосий хизмати қуйидагилардан иборат: "рема" энди содда гап таркибида келувчи "тема" учун эмас, балки илова қурилма таркибида асосий ифода учун иловали элемент функциясида келади. Бу ҳолни муаллифнинг қуйидаги мисоли орқали изоҳлаб беришга ҳаракат қиламиз:

1. "Здесь в доме есть собственнмй стол. В комнате у Ивана Петровича". Ушбу илова қурилма таркибида "- в комнате у Ивана

Петровича -" иловали элемент рема функциясида келаяпти. Рема ҳам ўзи бажариб келаётган функция жиҳатдан иловали элементга яқин туради, яъни у ҳам иловали элемент каби айтилган, мавжуд бўлган фикрни конкретлаштириш, тўлдириш мақсадида намоён бўлади.

Демак, "рема" тушунчасини илова қурилма таркибидаги иловали элементга нисбатан қўлланилиши иловали элементнинг структуравий хусусиятига хос бўлган яна бир янги томонни очишга асосий сабаб бўлади. Иловали элементларга хос бўлган бундай функциялар кейинчалик чоп қилинган илмий ишларда алоҳида таъкидланади, лекин унинг бу функцияси иловали элементларнинг алоҳида олинган структуравий доирасида махсус ўрганилмайди.

Иловали элементларнинг структуравий хусусияти билан бевосита боғлиқ бўлган, лекин ҳозирги кунгача бирон-бир илмий мақоланинг махсус изланиш объектига киритилмаган яна бир хусусияти бор, у ҳам бўлса "соф" ва "соф бўлмаган" иловали элементлар. Иловали элементларнинг бу хусусиятлари тўғрисидаги дастлабки фикр ва мулоҳазаларни Ю.С.Морарунинг "О некоторых типах присоединительных конструкций" номли мақоласида учратамиз. У "соф" сўзи урнига "чистые" присоединительные конструкции тушунчасини тадбиқ қилган ва шу соҳада баъзи бир кузатишлар олиб борган. У испан тили материаллари асосида олиб борган кузатишлари натижасида қуйидагича хулосага келган: "Таҳлилга олинган 2326 та мисолдан фақатгина 484 таси, яъни 21% "соф" ҳисобланган иловали элементларга кирган ва шу асосда у иловали қурилманинг структуравий гуруҳларга ажратишни таклиф этган.

Иловали элемент ўзи бирикиб, аниқлаб, конкретлаштириб келаётган асосий ифоданинг компонентига нисбатан ёнма-ён турса,

бундай иловали элементлар Б.Т. Турсуновнинг ибораси билан "соф" иловали элемент деб аталади. Унинг акси бўлган иловали элемент эса "соф бўлмаган, маълум узоқликда турувчи иловали элементлар" ¹деб аталади.

Демак, иловали курилмалар таркибида "соф" ва "соф бўлмаган" иловали элементларни структуравий гуруҳларга ажратишда фақат уларнинг асосий ифодага яқин ёки узоқ туришини ҳисобга олибгина қолмасдан асосий ифода билан иловали элементлар оралиғида келувчи гаплар, ҳар-хил синтактик гуруҳларнинг мазмуний муносабатларини ҳам эътиборга олиш кераклигини Б.Т.Турсунов алоҳида таъкидлайди.

Илова элементларга хос бўлган бундай хусусиятлар бошқа бир қатор илмий ишларда ҳам ўз таҳлилига эга. Н.А.Фролова ўзининг "О соотношении парцеллированных конструкций и непарцеллированных предложений на синтаксическом и коммуникативном уровне" мақоласида "чистый" терминологик тушунчаси урнига " контактное положение" тушунчасини қўллаган. Бу соҳада маълум бир мақола доирасида иш олиб бориб қуйидаги хулосага келган: "иловали элементларнинг қарийб 87,5% асосий ифодага ёнма-ён туради". Иловали элементларнинг асосий ифодага нисбатан бунчалик фоиз ёнма-ён туриши албатта шартли бўлса керак, чунки битта гап доирасида пайдо булувчи иловали элемент ҳам ўзи бевосита боғлиқ бўлган компонентга нисбатан бунчалик яқин бўла олмайди", уйлаймизки, бу ҳолат иш жараёнида ўз жавобига эга бўлади.

Иловали элементларга хос бўлган функциялардан яна бири

¹ Турсунов Б.Т. Иловали унсурларга хос бўлган хусусиятларни ўзаро мантикий бутунликда ўрганишга доир. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. СамДЧТИ, Самарқанд, 2004, -23-26 б.

уларнинг "моно-ва полифункционаллигидир". Илова ҳодисасининг ўрганилиш тарихи жуда узоқ бўлса ҳам, лекин бу ҳодисага хос бўлган барча хусусиятлар ҳам ўз вақтида ўрганилавермаган. Бу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб борган тилшунослар ҳам кўпинча диққат эътиборларини илова қурилманинг структуравий, маъновий, стилистик, баъзи ҳолларда фразеологик томонларини таҳлил қилишга қаратган. Бироқ, илова қурилманинг ички қонуниятларига кўпроқ эътибор беришмаганлар, натижада иловали элементларнинг "моно-ва полифункционаллиги" изланиш рамакасида четда қолган. Иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятлар ҳам биринчи марта Ю.С.Морару томонидан испан тили материаллари асосида ўрганилади ва кейинчалик эса Б.Т.Турсунов раҳбарлиги остида бажарилган Б.Ахмедованинг "Лион Фейхтвангер ижодида илова ҳодисаси"¹ номли номзодлик диссертациясида бу тўғрисида баъзи бир фикрлар келтирилади.

Бу ерда илова қурилмалар ва уларнинг ажралмас қисми бўлмиш иловали элементлар тўғрисида келтирилаётган фикр ва мулоҳазалар таҳлил қилинаётган мисоллар иловали элементнинг коммуникатив нутқ бирликлари сифатида ниҳоят даражада хилма-хил функцияларга бой эканлигини таъкидламоқда. Иловали элементларнинг мураккаб синтактик бутунлик таркибида бундай бой ва хилма-хил функцияларга эга бўлиши тилшунослик соҳасида мавжуд бўлган қуйидаги хулосанинг илмийлигини яна бир бор исботлайди: "агар ҳар-бир грамматик форма ўзига хос бўлган семантик белгини ифодалаган ҳолда, фақатгина ягона. битта функцияни бажариб келганда эди, у ҳолда нечта грамматик формалар бўлса, шунча функциялар ҳам

¹ Б.Ахмедова. "Лион Фейхтвангер ижодида илова ҳодисаси" номзодлик дисс. Тошкент, 1998

мавжуд бўлган булур эди" -деб таъкидлаган эди А.В.Бондарко. Аслида бундай эмас, у ёки бу грамматик форма бир вақтнинг ўзида бир неча хил операцияларни бажариши мумкин, яъни бошқача қилиб айтганда, турли хил функцияларда қулланиши мумкин.

Энди биз бу жараёни биз томондан танланган ва таҳлилга мойил бўлган мавзу доирасида кузатишимиз, фикр ва мулоҳазалар юритишимиз мумкин. Биз танлаган мавзу тўлдирувчилар билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг функцияларини таҳлил қилиш билан ўзвий боғлиқдир. Тўлдирувчилар билан ифодаланиб келган иловали элементлар, бошқа гап бўлаклари ва гап турлари билан ифодаланиб келган иловали элементлар каби турли хил функцияларда келиши мумкин. Бу функциялар биринчидан, шу тўлдирувчиларга хос бўлган хусусиятларни ифодалаб келса, иккинчидан, барча умумий структуравий гуруҳларга хос бўлган хусусиятларни ифодалаши мумкин; учинчидан эса улар ўртасида структуравий, маъновий услубий соҳаларда мавжуд бўлган фикрларни кўрсата олиши мумкин; туртинчидан, айнан шу тўлдирувчилар билан ифодаланиб келган иловали элементлар учун хос бўлган хусусиятларни алоҳида намоиш қила олишлари мумкин.

Иловали элементларга хос бўлган параллеллик хусусиятлари баъзи ҳолларда мураккаблашуви ҳам мумкин. Бу ҳолни кўплаб мисолларда кузатиш мумкин, чунки бу ерда иловали элементларни ташкил қилувчи компонентлар ўзларича мустақил характерга эга. Бошқача қилиб айтганда, бу иловали элементларни ташкил қилувчи компонентларнинг ҳар бири иловали элемент функциясида кела олишлари мумкин.

Кўплаб мисолларда келтирилган иловали элементлар бир қатор

ўзларига хос хусусиятларга эга: биринчидан, улар уюшиқ тўлдирувчилар формасида ифодаланган; иккинчидан, уларнинг структуравий тўзилишлари ана шу уюшиқ гап бўлаклари ёрдамида кенгайтирилган. Иловали элементларнинг структуравий кенгайиши, улар томонидан асосий ифодага еки унинг бирон-бир компонентига билдирилатган қўшимча маъно доирасининг ҳам кенгайишга олиб келади. Натижада, иловали элементларнинг коммуникатив функциялари ҳам янада кенгаяди, чунки иловали элементнинг биринчи компоненти томонидан билдирилатган мазмун унинг иккинчи компоненти ва ниҳоят иккинчи компонентнинг мазмуний хусусиятлари билан тўлдирилади, конкретлаштирилади. Коммуникатив маъно хусусиятлари кетма-кетлик тўлдириш характерига эга бўлади.

Кўп ҳолларда келтирилган иловали элементлар қолган барча юқорида таҳлил қилинган иловали элементлардан ўзларига хос хусусиятга эга бўлиши билан фарқ қилади. Бу фарқ уларнинг ана шу мураккаб синтактик бутунлик таркибида ўзларига бевосита боғлиқ бўлган компонентларга нисбатан тутган позицияси билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда бу иловали элементлар «соф бўлмаган» иловали элементлар дейилади, чунки улар ўзлари конкретлаштириб, реаллаштириб келаётган компонентга нисбатан анча узок масофада турибди. Бу иловали элементлар билан улар бевосита боғлиқ бўлган компонентлар ўртасида оралиқ гаплар мавжуд, натижада бошланган фикр булинган. Иловали элементларнинг асосий ифодага нисбатан маълум масофада туриши бир қатор синтактик-семантик ва стилистик функцияларни бажаради: биринчидан, матн меъморчилиги шаклланади; иккинчидан, иловали элементлар билан асосий ифода

орасида синтактик семантик алоқадорлик мавжуд, бундай ҳолларда семантик алоқа воситалари етакчи роль уйнайди; учинчидан, бир мисолдаги иловали элемент бошқа бир мисолдаги иловали элементга нисбатан масофа жиҳатидан узоқ бўлса ҳам, маъно жиҳатидан яқин туради, сабаб улар оралиғидаги гаплар қандайдир мазмун жиҳатидан асосий ифодада айтилган фикрни давом эттиради; бошқа мисолда аксинча, бундай ҳолат сезилмайди, шу сабабли бу иловали элемент ҳам масофа жиҳатидан, ҳам маъновий жиҳатдан асосий ифодага нисбаттан узоқроқ туради. Иловали элементларнинг асосий ифодага нисбатан бундай позицияларини аниқлаш мақсадида «соф бўлмаган» иловали элементларга нисбатан Б.Т.Турсунов «масофа жиҳатдан узоқ, мазмуний жиҳатдан яқин», «масофа жиҳатдан ҳам, мазмуний жиҳатдан ҳам узоқ» каби терминологик тушунчаларни тадбиқ қилишни тавсия этади.

1.2. Герман тилшунослигида илова ҳодисасининг ўрганилиши

Немис тилида Аккузатив келишигини талаб қилувчи предлоглар ердамида ифодаланиб келган иловали элементлар ўзларига хос бўлган баъзи бир хусусиятлари билан диссертация ишимизнинг биринчи қисмида таҳлил қилинган иловали элементларнинг айрим функцияларини ўзларида қисман такрорласа-да, бироқ ўзларига хос бўлган функцияларга ҳам эгадирлар. Ўзларига хос бўлган ана шундай хусусиятлари билан бу тоифага тааллуқли иловали элементларнинг ичида алоҳида олинган структуравий гуруҳланишни ташкил этади ва ана шу структура доирасида ҳар хил функцияларни бажариб келади. Аккузатив келишигини талаб қилувчи предлоглар ердамида ифодаланиб келатган иловали элементларнинг илова қурилма таркибида бажариб келатган функцияларнинг таҳлилидан аввал, ана шу аккумулятив келишигини талаб қилувчи предлогларни такрорлаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Немис тилида езилган ва грамматикага оид қайси бир дарсликларни, ўқув қўлланмаларни варақламайлик, албатта у ерда предлоглар ва уларнинг қўлланилиши тўғрисида баъзи бир мулоҳазаларга дуч келамиз. Г. Пауль ўзининг "Deutsche Grammatik" (турт томлик) асарини немис тилининг грамматикасини ўрганишга бағишлаган.

"Deutsche Grammatik" асари IV томининг "Rektion und Gebrauch" бўлимида немис тилида мавжуд бўлган предлоглар, уларнинг келиб чиқиши, қўлланилиши, бир келишикни талаб қилувчи предлогларнинг бошқа бир келишик билан кела олиши, шунингдек, предлогларнинг ўзгарувчанликлари тўғрисида фикр ва мулоҳазалар юритади.

Герман Паулнинг олдинлари датив келишигини талаб қилган предлоглар, кейинчалик аккузатив келишиги билан қўллана бошлади деган фикри, шу асарнинг бошқа бир бетида унинг аксини кўрсатади.

Герман Паулнинг бу иккала мулоҳазасидан қуйидагича хулоса қилиш мумкин: Аккузатив келишигини талаб қилувчи предлоглар бир вақтнинг ўзида датив келишигини талаб қилиши мумкин, ёки аксинча. Баъзи ҳолларда предлогларнинг бундай ўзгарувчанлик хусусиятлари ҳам, худди иловали элементларнинг тарқалиш даражаси каби у ёки бу ёзувчининг индивидуал услубига бориб тақалади. Чунки, масалани бундай тартибда қуйилиши ҳам ўз сабабига эга, Б.Т. Турсунов баъзи бир грамматик категорияларни аниқлашда унга матн нуктаи назардан ёндашмоқ керак"¹ - дейди. Бу айтилган нарсa кейинги вақтларда айрим мавзуларнинг текшириш объектига айланмоқда.

Энди бу қисмда қуйилган вазифани ечишга утайлик. Ҳақиқатдан ҳам қутарилаётган муаммолар кейинчалик матнлар доирасида, бошқача қилиб айтганда ёзувчиларнинг асарларида ҳал қилинмоқда. Ана шундай муаммолардан бири-бу аккузатив келишигини талаб қилувчи предлогларнинг иловали элементлар функциясида келишидир.

Аккузатив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементлар, предлогсиз аккузатив келишиги билан ифодаланиб келган иловали элементларга структурасининг соддалиги жиҳатдан яқин турса-да, бироқ айрим хусусиятлари билан фарқ қилади. Бу фарқларни қуйидагича изоҳлаш мумкин: илова қурилма компонентлари ўртасидаги синтактик алоқалар асосий ифода функциясида келувчи бош бўлақларнинг яхлитлиги

¹ Турсунов Б.Т. Обособление и присоединение. Илмий тадқиқотлар ахборотномаси (Илмий-назарий, услубий журнал. –Самарқанд: СамДУ, 2005, № 2 –6. 57-59

билан ифодаланади. Чунки бундай ҳолларда гапларнинг бош бўлаклари В.П.Кобзевнинг фикрича икки хил функцияда келади: биринчидан, улар ўзларининг таркибига кирувчи компонентлари учун етакчилик ролини уйнаса, иккинчидан, эса;худди шундай ролни иловали элементлар учун бажарадилар; бу иловали элементлар томонидан асосий ифодага билдирилаётган ва қўшимча маъно хусусиятига эга бўлган коммуникатив функциялар тўғридан-тўғри асосий ифодадаги худди шундай гап бўлакларига йуналтирилмасдан, балки хар-хил гап бўлакларига йуналтирилган. Кўплаб мисолларда иловали элементларнинг конкретлаштириш, реаллаштириш, тўлдириш характериға эға бўлган коммуникатив функциялар, асосий гап таркибидаги бош гапларнинг мазмуниға қаратилган, ва бу қўшимча маъно хар-хил нозикларға эға, яъни аниқлик сабаб пайт нозикларға. Durch предлоги билан ифодаланган иловали элемент якка ва кенгайтирилган ҳолда келишлари мумкин. Иловали элементларнинг структуравий кенгайиши, уларнинг маъно томонидан кенгайишиға олиб келади. Маънонинг кенгайиши эса уларнинг нозикларининг хилма хил бўлишиға олиб келади.

Durch предлоги билан ифодаланиб келган элементларға хос бўлган бундай функциялар, бошқа худди шундай предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг структуравий ва маъновий хусусиятлари билан янада бойиши, кенгайиши ва тўлдирилиши мумкин.

Gegen предлоги билан ифодаланиб келган иловали элементлар, durch предлоги билан ифодаланиб келган иловали элементларға ўхшаш ёзма матнларда унча кенг ёйилиш даражасиға эға булмаса-да, бироқ шу тоифаға мойил бўлган иловали элементларнинг структуравий

гуруҳларини ташкил этишда иштирок этади.

II. Gegen предлоги билан ифодаланган иловали элементлар:

1.Man müßte nach der Gymnastik ein warmes Bad nehmen. Gegen den Muskalhater.

2.Jedenfalls hupt nachts das Auto vor dem Haus. Und hupt. Gegen zwei Uhr früh.

3.,,Und dann gleich mit Panzern! Und die vom Westen können überkommen. Es geht wieder mal nur gegen uns. Immer gegen die armen Leute“.

4.Ihr seht die gehorsamen Bürger von Tours, edle Herrin. Deren Zorn wider England reicht nicht über die Stadtmauer hinaus. Die Bauern aber, die Heimatlosen auf den Sandstraßen und die Armen in den Vorstädten entbrennen in einem anderen Zorn. Nicht so sehr gegen England, sondern gegen den Adlen Frankreichs und sogar gegen den König“.

№ 1,2,3 ва 4 рақамли мисолларда келтирилган иловали элементларнинг коммуникатив функциялари ердамида асосий ифода таркибида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар конкретлаштирилади, реаллаштирилади ва тўлдирилади. Масалан №3-рақамли мисолда асосий ифода таркибидаги *gegen uns* компоненти томонидан билдирилатган маъно, *immer gegen die armen Leute* шаклидаги иловали элементларнинг маъноси билан янада конкретлаштирилади, яъни Гарбдан келатган тачкалар бизга қарши қаратилганлиги ва бизлар қимлар эканлигимиз иловали элемент ердамида конкретлаштирилади, шу сабабли бизларга қарши қаратилганлиги - оддий камбағал кишиларга қаратилганлиги аниқланади. Худди шундай ҳолни №4-рақамли мисол намунасида ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда ҳам мазмун жиҳатдан тасвирланаётган воқеа №3-рақамли мисолдаги

воқеага ухшаб кетади, фақат улар ўзларининг кенгайтирилган характерига эга бўлиши билан фарқ қилади. Бу ерда тасвирланаётган воқеа қандайдир қарама-қарши тусолади.

Турс шахри дехқонларининг, бошпанасизларининг, камбағалларининг ҳаракати ҳоним ҳаракатига тўғри келмайди. Ким-кимга қарши чиқаётганлиги фақат иловали элементнинг мазмуни билан аниқланади. Яъни дехқонларнинг, фуқароларнинг, бошпанасизларнинг, камбағалларнинг чиқишлари Англияга эмас, балки Франциянинг задагонларига, айникса унинг қиролига қарши; қаратилганлиги ана шу иловали элементнинг мазмуни билан аниқланади. Натижада, иловали элементлар томонидан асосий ифода мазмунига билдирилаётган коммуникатив функциялар ўзларининг реал табиатига эга бўлади.

Durch, gegen предлоглари билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг бундай функциялари für предлоги ёрдамида ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг худди шундай функциялари билан янада бойитилади. Чунки für предлоги билан ифодаланиб келган иловали элементлар, фақатгина durch ва gegen предлоглари билан ифодаланиб келувчи иловали элементлардан эмас, балки шу тоифага тааллуқли бўлган барча иловали элементлардан ўзининг ёйилиш даражаси билан фарқ қилади. Чунки für ёрдамида келувчи иловали элементлар ҳар хил структуравий кўринишларга эга бўлиши мумкин.

III. Für предлоги билан ифодаланган иловали элементлар:

1. „Entschuldigen Sie! Endymion war eine entschiedene Etappe für mich Für meine Arbeit“.
2. „Danke Li,“ entgegnete er freundlich. „Sie haben auch Anteil daran.

Es wird aber noch viel zu tun geben. Für uns beide“.

3. „Haben Sie kein Bett frei. Für einen verlorenen Sohn“.

4. Und ich hinterlasse hier, wo ich bin. Für alle Falle.

Баъзи ҳолларда *für* предлоги билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг структуравий таркибида айрим компонентларнинг жойлари ўзгариши мумкин.

5. „Für Hennig Maktenfel ist es das auch“, erwiederte Klaus Stortebeker. Für uns nicht.

6. „Sie zogerte. Es ist verboten ...“

"Für" предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар ўзларига хос бўлган барча хусусиятлари билан худди шундай структуравий шаклга эга бўлган иловали элементларнинг хусусиятларини тўлдирибгина қолмайди, балки уларни янги томондан бойитади. Бунга №5,6 ва 7-рақамли мисолларда келтирилган иловали элементлар намуна бўлиши мумкин. Иловали элементларнинг таркибида содир бўлаётган айрим компонентларнинг вариативлиги ҳолати, шу иловали элементларнинг таъсирчанлик, экспрессивлик хусусиятларини кучайтиради, уларга нисбатан китобхоннинг диққат эътиборини янада оширади. Иловали элементларга хос бўлган вариативлик *nicht*, *auch* компонентларининг доимо ўз ўринларида келмасликлари билан характерланади. Бу ҳол иловали элементларнинг стилистик табиатини яна бир бор оширади, “чунки иловали элементларнинг ўзи бу И. Р. Гальпериннинг таъбирича стилистик ҳодисанинг ўзгинасидир.” И.Р. Гальпериннинг бу мулоҳазаси Б.М. Ахмедованинг номзодлик диссертациясида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

"Für" предлоги ёрдамида келувчи иловали элементларнинг

структура-вий кенгайиши, шу иловали элементлар таркибида айрим компонентларнинг, яъни коммуникатив нутқ бирликларининг такрорланиши билан содир бўлиши мумкин:

Wir werden nach Poissy fahren, Marie-Elisabeth, oder nach Corbeil.
Für einige Wochen nur, für einige Tage.

Nun, es wurde in Protokoll aufgenommen, und ich unterzeichnete es; damit war die Sache erledigt. Für mich, nicht, nicht fürs Dorf.

Такрорланиш принципи асосида ҳосил бўлган бундай иловали элемент-лар рус тилшунослигида мавжуд бўлган Н.И.Формоновскаянинг "компоноваться попарно" илмий хулосасининг ниҳоят даражада универсал характерга эга эканлигини яна бир бор таъкидламоқда. Бу хулосанинг лингвистик моҳиятидан фойдаланиб № 8,9-рақамли мисолларда баён қилинган иловали элементларга ўхшаш иловали элементлардан трансформацион методдан фойдаланиб икки ёки ундан ортиқ иловали элемент ҳосил қилиш мумкин. Н.И. Формоновскаянинг бу хулосаси икки ёки ундан ортиқ мустақил компонентлардан иборат бўлган ҳар қандай структуравий хусусиятга эга бўлган (яъни структуравий хусусияти деганда биз бу ерда иловали элементларнинг грамматик ифодаланишини эътиборга оламиз) иловали элементларга тааллуқлидир, ва бу хулосани ҳар қандай тил материалига ҳам татбиқ қилиш мумкин.

Für предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг структуравий хусусиятига хос бўлган яна бир хусусияти унинг ҳосил бўлишида баъзи бир компонентларнинг синонимик характери:

Dann - Genossenschaftsgründung. Leicht war der Entschluß nicht. Für

mich schwer.

Бу ерда иловали элемент функциясида келувчи für mich schwer ўзининг маъновий хусусияти жиҳатидан асосий ифода таркибидаги nicht leicht компонентида нисбатан синонимик функцияни бажаради, натижада иловали элемент шу усулда пайдо бўлади. Демак, fürпредлоги ёрдамида келган иловали элементларнинг таҳлили, худди шундай иловали элементга хос бўлган хусусиятларни оддийгина такрорламасдан, балки уларни янги томондан бойитади, яъни уларнинг структуравий шаклларида учрамайдиган баъзи бир ҳолатларни намоён этади.

Durch, gegen, für предлоглари билан келган иловали элементга хос бўлган функциялар ohne предлоги билан ифодаланган иловали элементларнинг структуравий хусусиятларида такрорланиши мумкин.

Энди ана шу ohne предлоги билан ифодаланган иловали элементлар-нинг структуравий, маъновий ва бошқа функцияларга тўхталамиз.

IV. Ohne предлоги иловали элемент функциясида:

1. Die Polizei wird ihn in Schutzhaft nehmen. Ohne Frage. Dann stribt er dort.

2. Berndt zog seinen Arm unter Weg. Er stellte sich vor sie hin. „Das hab ich mir nicht vorgestellt. Allein. Ohne dich“.

3. Zwei Stunden dauerte die Versammlung. Auch Olga sprach. Ohne Phrasen.

№ 1,2,3 - рақамли мисолларда ohne предлоги билан ифодаланиб келган иловали элементлар якка ҳолда келаяпти. Иловали элементлар якка ҳолда келганларида уларнинг экспрессивлик, таъсирчанлик хусусиятлари ошади, чунки асосий ифода билан иловали элемент

ўртасидаги ўзилиш кескин содир бўлади. В.Г.Адмони иловали элементнинг якка ҳолда келишини "грамматик кескинлик" деб атайди, чунки илова қурилма компонентлари орасидаги ўзилиш худди тусатдан қутилмаганда содир бўлади. Агар иловали элементлар бирон-бир лексик-грамматик воситалар ёрдамида кенгайтирилса, у ҳолда бундай ҳолат қутилмайди. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги иловали элементларнинг таҳлилига эътибор берамиз:

Die Patrioten dagegen, so hieß es, sein alles in allem kaum fünfzigtausend. Dazu ohne Offiziere.

Er führte ihn in eine Hohle. Ohne Weg und Steg.

Wo der Mann wäre, schrie Veit sie an. Ohne Gruß, mit kalten Augen.

Демак, иловали элементлар олдида ёаги (4) бириктирувчи боғловчисининг лексик-грамматик йўллар билан кенгайиши, илова қурилма компонентлари орасида мавжуд бўлган грамматик кескинликнинг юмшашига олиб келади, натижада улар оралиғида мавжуд бўлган вазият силлиқлашади, яъни ровон характерга эга бўлади. Бу ҳолат иловали элементларнинг барча кенгайтирилган структуравий гуруҳларига хос бўлган хусусиятлардир.

Аккузатив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементларни синтактик-семантик томондан таҳлил қилиш, уларга хос бўлган, лекин ҳали унчалик аниқланмаган функцияларни изоҳлашга ердан беради. Улар устида олиб бораётган қузатишларимиз асосида бу ерда қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Иловали элементлар турли хил функцияларни бажариб келадилар. Бу функциялар борган сари кенгайиб, янги-янги фикр ва мулоҳазаларни келтириб чикаради, яъни иловали элементларни

ўрганишга бўлган муносабат тубдан ўзгаради. Уларни ўрганишга бўлган бундай муносабатларнинг ўзгариши шу илова қурилманинг табиати билан ўзвий боғлиқдир.

Шу вақтгача илова ҳодисаси кўп тилларда ўрганилиб келинди, унинг структуравий, маъновий ва услубий томонлари ўрганилди. Бироқ, бу усулда ўрганиш ҳар бир иловали элементнинг ички моҳиятини ўрганишга олиб келади. Натижада, иловали элементлар билан боғлиқ бўлган жуда кўплаб функциялар изланиш майдонидан четда қолиб кетди. Уларнинг баъзи бирлари тўғрисида ишимизнинг олдинги бобларида, бўлимларида мисоллар таҳлилида гапириб ўтдик. Лекин, иловали элементларни, биз тавсия этган тартибда таҳлил кила борсак, уларнинг структуравий шаклланишидан янги-янги функциялар изоҳланаверади. Фикримизнинг исботи сифатида таҳлил қилинаётган тоифага мансуб бўлган иловали элементларнинг таҳлилига ўтамиз. Ўзгариш билан ифодаланиб келган иловали элементлар юқорида таҳлил қилинган иловали элементларнинг бажариб келатган функцияларини ўзида такрорлабгина қолмасдан, балки уларни янги томондан тўлдиради ва кенгайтиради.

I боб бўйича хулосалар

Тилшуносликда илова конструкция ўрганилиш маълум даражада илмий қизиқиш уйғотган соҳалардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, мазкур масала тилшунос олимлар Н.Н.Голикова, М.Е.Шафиро, Ю.С.Морару, Н.А.Фролова, А.В.Бондарко ва бошқаларнинг асарларини таҳлил қилиб, айниқса, немис тили бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишларини олиб борган проф. Б.Т.Турсуновнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш натижасида қуйидагиларни алоҳида айтиб айтишни лозим деб топамиз:

1. Илова конструкциялар масаласи тилшуносликда нисбатан кам ўрганилган.
2. Илова конструкциянинг структуравий, маъновий ҳамда услубий хусусиятлари таҳлил қилинган.
3. Илова қурилмада тема-рема алоқалари тадқиқ қилинган.
4. Б.Турсунов томонидан тавсия этилган “Соф” ва “соф бўлмаган” иловали элементлар аниқланган.
5. Иловали элементлар гап бўлаклари орқали фойдаланиб, турли илова қурилмада вазифаларни бажариб келади.
6. Илова қурилма таркибида иловали элементларнинг мураккаблашуви кузатилади.
7. Иловали элементларнинг коммуникатив вазифалари аниқланди ва конкретлаштирилди.
8. Герман тилшунослигида илова ҳодисаси анча кам ўрганилган. Бу ерда Б.Т.Турсунов томонидан докторлик диссертациясининг ҳимоя қилиниши алоҳида таъкидлаш лозим.

II боб: Иловали элементларнинг асосий функциялари

2.1. Иловали элементларнинг структура ва маъно хусусиятлари

Иловали элементлар илова қурилма таркибида бажариб келаётган функциялари билан бир-бирларига хос бўлган хусусиятларни ўзларида такрорлабгина қолмасдан, балки янги хусусиятлар билан бир-бирларини бойитиб, кенгайтириб боради. Бу ҳолни параллел бирикишга мосланган ушбу иловали элементлар таҳлилида ҳам кузатиш мумкин. Чунки, бу иловали элементлар қуйидаги ўзларига хос хусусиятга эга: биринчидан, №15-рақамли мисолда келтирилган иловали элементнинг етакчи компоненти, яъни иловали элементнинг ўзи такрорланиш принципи билан ҳосил бўлади ва сўнг унга тобе бўлган қисмлар билан кенгайтирилади; у ёки бу гап бўлагининг такрорланиб келиши бу услубий ҳодисадир, чунки ёзувчи китобхоннинг диққат эътиборини тасвирлаётган воқеа-ҳодисага яна бир бор қаратиш мақсадида уни такрорлайди, такрорланувчи компонент доимо мантикий урғу олади, натижада унинг таъсирчанлиги, воқийлиги ошади. Демак, бундай формада шаклланиш хусусиятига эга бўлган иловали элементларнинг стилистик функциялари ниҳоятда салмокли бўлади; иккинчидан, №16-рақамли мисолдаги иловали элемент таркибида инверсия ҳодисасини кўзатамиз, чунки такрорланувчи компонентлар оддийгина такрорланиб қолмасдан, балки ўзгаради, демак бу ерда қандайдир синонимик ҳолат намоён бўлади; учинчидан, №17-рақамли мисолда баён қилинган иловали элементнинг структуравий шаклланиши билан боғлиқ бўлган ҳолат, яъни биз бу ерда тил элементларини тежаш усулига дуч

келамиз. Натижада, иловали элементлар етакчи гап таркибида туширилиб қолдирилган компонентни тўлдириш, тиклаш мақсадида намоён бўлибгина қолмасдан, балки уларнинг ўзи ҳам шу асосий ифода таркибида келувчи компонентлар ёрдамида тикланиши мумкин деган хулосага эга бўламиз. Демак, ўзаро боғлиқлик илова қурилма компонентларига хос бўлган яна бир муҳим хусусиятни, яъни асосий ифода билан иловали элементлар ўртасидаги синтактик-семантик боғлиқликни яна исботлайди.

Über предлоги иловали элемент функциясида Über предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: а) асосий ифодада бирон-бир компонентга боғлиқ бўлмаган иловали элементлар; б) асосий ифодада мавжуд бўлган бирон-бир компонентнинг талаби билан юзага келатган иловали элементлар.

а) Асосий ифодада бирон-бир компонентга боғлиқ бўлмаган ҳолда, яъни умумий стилистик принциплар асосида ҳосил бўлаётган иловали элементлар қуйидагилардан иборат:

1. Die beiden blieben zusammen. Machten zusammen das letzte Stück Flucht. Über die spanische Grenze.

2. Dämonen haben keine Gewalt über uns, Leth. Auch nicht über die Imri.

3. Sie duldeten und hoffte. Das Hoffen erwuchs aus dem Zorn über die ihr angetane Schmach. Auch über Karl VII.

4. Riedl hatte den angebotenen Stuhl nicht beachtet; er fügte hinzu; sie starb bei der Geburt. Ich bin nur gekommen, um es Ihnen zu sagen, falls sie nichts davon wissen. Es ist ja schon lange her. Über ein Jahr.

Иловали элементлар томонидан асосий ифоданинг мазмунига

нисбатан

билдирилатган қўшимча маъно, бу ерда содир бўлатган воқеа-ҳодисаларни

конкретлаштириб, изоҳлаб, уларни тўлдириб келади ва турли хил нозикларга

эга: маълум бир жойга хослик, аниқлик, тўлдиришга хослик ва шунингдек, пайт хусусиятларига хослик.

Илова қурилма компонентлари орасида синтактик алоқалар асосий ифода функциясида келувчи бош бўлақларнинг синтактик-семантик яхлитлиги, ҳамда *über* предлогининг (2, 3) такрорланиши билан ифодаланади. Жойлашиш нуқтаи назаридан барча иловали элементлар "соф" иловали элементлар ҳисобланади, чунки улар ўзлари бевосита боғлиқ бўлган компонентларга нисбатан яқин туради.

б). Асосий ифодада жойлашган баъзи бир компонентларнинг талаби билан юзага келатган иловали элементлар:

5. Jeder sprach sich mit mir aus. Über wichtige Sachen und über jeden Dreck.

6. Mit niemandem sprach er so offen wie mit ihr.

7. Auch über seine privaten Schwierigkeiten und Sorgen.

№5,6 ва 7-рақамли мисолларда келтирилган ва *über* предлоги билан ифодаланган иловали элементлар №1, 2, 3 ва 4-рақамли мисолларда баён қилинган худди шундай иловали элементлардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади: биринчидан, бу иловали элементлар асосий ифода таркибида келувчи „sprechen“, „sich unterhalten“ каби компонентларнинг талаби билан юзага келади, чунки бу компонентлар ана шу иловали элементларни бошқараяпти, худди шундай шаклда келишини талаб қиляпти, шундай бўлиши бу

компонентларнинг грамматик табиатларидан келиб чиқади", иккинчидан, бу компонентлар иловали элементларнинг юзага келишида "сигнал берувчи элементлар" сифатида қўлланилади, яъни уларнинг юзага келиши учун олдиндан имконият яратади; учинчидан, бу иловали элементларнинг асосий ифодадаги компонентларга нисбатан тобелик қобилияти худди шундай иловали элементларга нисбатан кучлироқ; туртинчидан, бу иловали элементлар бошқа барча турдаги иловали элементлар каби "компенсация" функциясини бажариб келади. Бошқача қилиб айтганда, асосий ифода таркибида нутқ жараёнида туширилиб қолдирилган, муҳим аҳамиятга эга бўлган гап бўлагини тўлдириш, тиклаш мақсадида иловали элементлар ана шу компенсация, яъни камчиликларни тўлдириш функциясини бажаради; ва ниҳоят бешинчидан, илова қурилма компонентлари орасидаги синтактик алоқа тури, О.П.Жданова таъбирича икки хил характерга эга бўлади: илова ва конструктив.

Über предлоги билан ифодаланиб келган иловали элементга хос бўлган айрим хусусиятлар in предлоги билан ифодаланувчи иловали элемент таркибида ҳам такрорланиши мумкин:

1. „Was ist mit Erik? Wir haben uns schon Sorgen gemacht. Um sie beide“.

Über предлоги бу ерда ўзининг бажариб келаётган синтактик функцияси жихатдан Аккузатив келишигини талаб қилади. Шу сабабли бизлар über-предлоги ҳамда an, auf, in предлоглари билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг илова қурилма таркибида бажариб келаётган синтактик функциялари durch, gegen, für, ohne предлоглари билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг функцияларига яқин бўлганлиги ва уларнинг мантиқий давомчиси

эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни ҳам таҳлил қилишни лозим топдик.

Ан предлоги иловали элемент функциясида

Ан предлоги билан ифодаланиб келган иловали элементларни, уларга хос бўлган айрим хусусиятларни эътиборга олган ҳолда икки гуруҳга бўлиб ўрганишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

а) ап предлоги бир вақтнинг ўзида ҳам асосий ифодада ва ҳам иловали

элемент таркибида такрорланиши мумкин:

1. Kann doch sein, sie versteht das, weil sie das selber schon gemacht hat.

Nicht nur an sich gedacht. Auch mal an die anderen.

2. Du sollst an dich selber glauben und an keinen Geist oder so was. An dich selber und daß du einen Kopf hast, mit dem du sehen kannst, was in der Welt gespielt wird.

Ан предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг таҳлили асосида уларнинг функциясига хос бўлган яна бир хусусиятни №2-рақамли мисолда берилган иловали элемент намунасида кўрсатишни маъқул топдик. Иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири уларнинг моно-ва полифункционаллигидир. Умуман олганда, иловали элементларга хос бўлган полифункционаллик уларнинг мураккаблаштирилган структуравий тўзилишларида, яъни иловали элементлар бир-бирларига кетма - кет бирикиб келганларида содир бўлади. Лекин шу ҳолатни бу ерда ҳам кузатиш мумкин: бунда иловали элементни бир неча қисмга, аниқроғи туртга бўламиз. Улардан -an dich selber етакчи, қолганлари эса унга

тобе, чунки иловали элементнинг етакчи қисмини тўлдириш мақсадида -und daß du einen Kopf hast қисми, шунингдек, бу қисмни тўлдириш мақсадида mit dem du sehen kannst қисми ва уни тўлдириш мақсадида энг охирги қисм -was in der Welt gespielt wird юзага келади. Натижада, етакчи қисм билан тобе компонентлар орасида кетма-кет синтактик боғланишли коммуникатив бирлик юзага келади, чунки бу коммуникатив бирликлар ўзаро ҳам мазмуний, ҳам мантикий боғлангандир. Шулардан етакчи компонент an dich selber икки хил функцияда келади: асосий ифода бўлмиш - *du sollst an dich selber glauben* -учун иловали элемент функциясида; тобе компонентлар бўлмиш- *und daß du einen Kopf hast, mit dem du sehen kannst, was in der Welt gespielt wird* -учун асосий ифода функциясида келади. Иловали элементларнинг илова қурилма таркибида бажариб келатган полифункционаллиги тўғрисида Б.Т.Турсунов қуйидагича мулоҳаза юритади: "Иловали элементларнинг полифункционаллиги, унинг ҳозирги вақтгача кун тартибига қуйилмаган муаммоларидан биридир. Шу сабабли бу мавзу алоҳида олинган илмий тадқиқот ишининг объекти бўлиши мумкин". Ҳақиқатдан ҳам бу мулоҳаза жуда ҳам қизиқарли, ва тилшунос олимларнинг диққат эътиборини ўзига тортадиган масалалардандир. Лекин, бу муаммо тўғрисида ушбу ишимизнинг кейинги қисмларида батафсилроқ фикр юритамиз.

Ан предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларга хос бўлган яна бир хусусият, ана шу an нинг тушириб қолдирилиши:

3. *Er dachte auch an Seine Schwester. Auch Gottes Fingerzeige.*

Демак, an-ни иловали элемент таркибида туширилиб қолдирилиши, шу предлог билан ифодаланиб келатган иловали элементлар тўғрисида мавжуд бўлган фикримизни ўзгартирмайди,

аксинча, у худди шу, ап-предлоги ёрдамида келувчи иловали элемент эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Иловали элементлар таркибида содир бўлаётган бундай ўзгаришлар ўзидан-ўзи эмас, балки аниқ мақсадлар билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. Ёзувчи тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларни китобхонга аниқ етқизиш, таъсирчанлигини ошириш мақсадида мавжуд бўлган хилма-хил усуллардан фойдаланади. Ана шундай усуллардан бири иловали элементнинг ўзи бўлса, иккинчиси эса унинг таркибида ап предлогининг тушириб қолдирилишидир. Аннинг бу ерда тушириб қолдирилиши иловали элементнинг бажариб келаётган функциясига ҳеч қандай зарар етказмайди, чунки матн доирасида мавжуд бўлган вазият билан тўлдирилади. Илова қурилма атрофида содир бўлаётган бундай ўзгаришларни В.Н. Стрельцов "Илова ҳодисаси тил факторларини тежаш усулларида биридик" дейди.

Ап предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларга хос бўлган бундай ўзгаришларни auf ва in предлоглари ёрдамида ифодаланиб келувчи иловали элементлар таркибида ҳам кузатиш мумкин.

VII. Auf предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар.

1. Stortebeker achtete nicht auf die Bemerkung des Magisters und fuhr fort:

„Die Bürger der Stadt jubelten mir zu, und der Rat wird Vertreter der Zunft aufnehmen. Auf mein Verlangen“.

2. Ja, Schwiegervater, Maienblute ist ausgelost worden „Auf mein Betreiben“.

3. Auf jeden Fall viel mehr als in Kossin für ihn heransspringt. Auf

jeden Fall ein Abenteuer.

In предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар

Morgen früh kamen sie wieder. In zwanzig Stunden

„Werner versteht mich wohl besser als unser Unteroffizier Kohler! In die Uniform, in das Ehrenkleid unseres Führers“. Ja, das meine ich.

№1,2,3,4 ва 5-рақамли мисолларда келтирилган ва auf ҳамда in предлоглари ёрдамида ифодаланиб келувчи иловали элементлар юқорида таҳлил қилинган барча иловали элементларнинг илова қурилма таркибида бажариб келган функцияларини ўзида такрорлайди.

Аккузатив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг мураккаб синтактик бутунлик таркибида асосий ифодага нисбатан бажариб келган функциялари датив келишиги ва датив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг бажарадиган функциялари билан тўлдирилиши, кенгайтирилиши ва конкретлаштирилиши мумкин.

Ушбу қисмда датив келишиги ва датив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар ва уларнинг илова қурилма таркибида бажариб келаётган функциялари биринчи ва иккинчи қисмларда таҳлил қилинган иловали элементларнинг мантикий давоми сифатида талқин қилинади. Чунки, датив келишиги билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар

ўзларига хос бўлган баъзи бир хусусиятлари билан, аккумулятив келишиги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларга хос бўлган худди шундай хусусиятларни янгидан кенгайтириши, тўлдириши ва конкретлаштириши мумкин.

Тўғридан-тўғри датив келишиги билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар ўзларининг ёзма матнларда ёйилиш даражаси нуқтаи назардан, фақатгина датив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементларга нисбатан эмас, балки тўғридан-тўғри аккумулятив келишиги билан ифодаланиб келган иловали элементларга нисбатан ҳам кескин фарқ қилади. Бошқача қилиб айтганда, тўғридан-тўғри датив келишиги билан ифодаланиб келган иловали элементлар сони жиҳатдан жуда ҳам озчиликни ташкил этади.

Энди биз бу қисмни тўғридан-тўғри датив келишиги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг таҳлили билан бошлаймиз. Тўғридан-тўғри датив келишиги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг ёйилиш даражаси паст бўлишидан қатъий назар, улар иловали қурилма таркибида турли хил функцияларни бажариб келиши мумкин.

1. Тўғридан-тўғри датив келишиги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг структуравий ва маъновий хусусиятлари. Бу гуруҳга тааллуқли бўлган иловали элементлар структуравий жиҳатдан якка ва кенгайтирилган ҳолатда келишлари мумкин.

1. „Sie dürfen mir einen Whisky dafür kaufen. Ihm auch. Ist ein alter Bekannter von mir“.

2. „Ohne Ahnung, was passieren kann Idiotischer Leichtsinns. Richten Sie das aus. Ihrem Herrn Chef“.

3. Robert Lohse wußte genau, was er den Jungens vom Kossin-Werk zu verdanken hatte. Allen, besonders Thomas Helger.

№ 1,2 ва 3- рақамли мисолларда баён қилинаётган илова қурилмалар содда структуравий илова қурилмадир, чунки бу ерда асосий ифодага фақат биттадан иловали элементлар бирикиб келган. Иловали элементлар билан асосий ифода ўртасидаги синтактик алоқа ўзгача характерга эга. Чунки бу алоқалар икки томонлама ўрнатилади: биринчидан асосий ифода функциясида келувчи бош бўлақларнинг яхлитлиги билан; иккинчидан эса ана шу бош бўлақларнинг таркибида келувчи феъл - кесимлар ёрдамида, чунки бу феъл-кесимлар ўз табиатига кўра бир вақтнинг ўзида икки хил тўлдирувчини талаб қилади, яъни was+wen модели асосида, худди ана шу модел талаби билан бу иловали элементлар ҳосил булаяпти. Иловали элементларнинг бу тарзда пайдо бўлиши асосий ифода билан иловали элементлар бир- бирлари билан доимо синтактик-семантик муносабатда бўлишади деган фикрни яна бир бор исботлайди.

2.2. Иловали элементларнинг коммуникатив функциялари

Иловали элементларнинг асосий коммуникатив функциялари асосий ифода таркибида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни конкретлаштиради, тўлдиради ва реаллаштиради.

Иловали элементлар таркибида келувчи баъзи бир компонентларнинг ўзига мос ўринда келмаслиги уларнинг синтактик функцияларини амалда кучайтиради, натижада тасвирланаётган воқеа-ҳодисанинг таъсирчанлиги ошади, айниқса бу ҳолатни №1 ва 3-рақамли мисоллар таркибидаги аисБ, ҳамда *besonders* намунасида кузатиш мумкин. Масалан №3-рақамли мисолда иловали элемент томонидан билдирилаётган коммуникатив функцияларнинг олдин умумлашганини, кейин эса яна конкретлашганини куриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси иловали элементларнинг стилистик функцияларини бойитишга хизмат қилади.

Датив келишиги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири иловали элементлар коммуникатив функцияларининг инверсияга эга бўлишидир. Бу ҳолни қуйидаги мисоллар таҳлилида кузатиш мумкин:

4. Das war hach kurzer Zeit schon allen Besonnenen Klar. Auch Leth

5. Ihm wirft der Oberst das vor. Den Soldaten nicht.

Кўриниши жиҳатдан №4 ва 5-рақамли мисолларда баён қилинган иловали элементлар № 1,2 ва 3 рақамли мисоллардаги иловали элементларни такрорлаб келгандай. Умуман олганда бу иловали элементлар ҳам содда структуравий иловали элементлардир, Бироқ коммуникатив функциялари нуқтаи назаридан кандайдир ўзларига хос хусусиятга эга. Бу хусусият №4-рақамли мисолдаги иловали элементнинг конкретлаштириш ва №5-рақамли мисолдаги

иловали элементнинг умумлаштириш характериға эға бўлиши билан ифодаланади. Иловали элементларға хос бўлган бундай хусусиятлар, уларнинг асосий ифодаға нисбатан билдирилаётган коммуникатив функцияларини фақатгина конкретлаштирибгина қолмасдан, балки уни умумлаштириши ҳам мумкин. Иловали элементлар коммуникатив функцияларининг бундай вариативлиги, асосан баъзи бир лексик-грамматик компонентларнинг жой алмашилиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, бундай вазият иловали элементларнинг ҳам стилистик, ҳам синтактик функцияларини кучайтиришга хизмат қилади.

Датив келишиги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларға хос бўлган хусусиятлар датив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг таҳлилида такрорланиши ва кенгайтирилиши мумкин, чунки датив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементлар ўзларининг ёйилиш даражаси жиҳатдан худди шундай табиатға хос бўлган иловали элементлардан кескин фарқ қилади. Шу сабабли бу гуруҳдаги иловали элементлар илова қурилманинг турлшхил структуравий шаклларини намоён қилиши мумкин.

Фикримизнинг исботи сифатида, энди датив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан келган иловали элементларнинг таҳлилига ўтамыз.

II. Mit-предлоги билан келувчи иловали элементлар.

Ми-предлоги билан келувчи иловали элементлар, худди шундай структуравий гуруҳға мансуб бўлган иловали элементлардан ўзларининг ёйилиш даражасининг юқорилиги билан фарқ қилади ва ҳар хил шаклға эға бўлган иловали элементларни юзаға келтиради.

Mit-предлоги билан келувчи иловали элементлар якка ҳолда шаклланади:

1. Fritz spielte nicht mehr. Mit niemandem.
2. „Mutti kommt gleich. Sie ist bei Oma. Mit dem Fahrrad“.
3. Annette machte eine weite schwingende Bewegung. „Auf den Kopf“, sagte sie. „Mit einer Flasche“.
4. Gisela blättert die Seiten im Block zurück, langsam, eine nach der anderen, bis die Fraue sagt „Aber, das bin ja ich. Mit der Tasche“.

Бу иловали элементлар таҳлили асосида қуйидагиларни таъкидлаш ўринлидир; биринчидан, бу иловали элементлар асосий ифодага нисбатан икки хил муносабатда бўлишади: соф (1,4) соф бўлмаган (2,3) иловали элементлар; иккинчидан, иловали элементларнинг коммуникатив функциялари бутун асосий ифоданинг мазмунини (1) ва унинг айрим компонентларининг (2,3,4) мазмунини конкретлаштириб, изоҳлаб, тўлдириб келади; учинчидан, №1-рақамли мисолда келтирилган иловали элемент фақат иккинчи даражали бўлақларга хос бўлган хусусиятни яна бир бор таъкидламоқда. Бундай хусусият иловали элементнинг юзага келиши билан бевосита боғлиқ бўлади. Масалан, агар асосий ифода таркибида эга ёки кесим келмаса, у ҳолда бош бўлақлардан бирортаси ҳам иловали элемент функциясида келаолмайди, чунки улар учун имконият яратилмайди. Иккинчи даражали бўлақлар учун эса бундай хусусиятни ҳеч қандай аҳамияти йўқ, чунки асосий ифодада худди шунга ухшаган тўлдирувчи келадими ёки йўкми (1,2) тўлдирувчилар иловали элементлар функциясида кела олишлари мумкин. Ана шу хусусиятлар туфайли иккинчи даражали бўлақлар билан келувчи иловали элементлар бош бўлақлар билан ифодаланиб келувчи иловали элементлардан кескин фарқ қилади.

Ж.А. Винтман иккинчи даражаси бўлаклар билан, аниқроғи ҳоллар билан келувчи иловали элементларнинг структуравий, услубий ва маъновий хусусиятлари тўғрисида мулоҳаза юритиб, иловали элементларнинг асосий ифодага бирикиши усулини икки гуруҳга бўлиб ўрганишни тавсия этади: параллел ва кетма-кет. Иловали элементларнинг параллел ва кетма-кет бирикиб келиши қуйидагича содир бўлади; агарда илова қурилма таркибида бажариб келаётган синтактик функцияси жиҳатдан иловали элементга ўхшаш компонент бўлса, бундай шароитда иловали элемент асосий ифодага нисбатан параллел бирикади. Агарда асосий ифода таркибида иловали элементга ўхшаш бирон бир компонент бўлмаса ёки бўлган тақдирда ҳам, у синтактик функцияси жиҳатдан шу иловали элементга ўхшамаса, у ҳолда иловали элемент асосий ифодага нисбатан кетма-кет бирикиб келади.

№1,2,3-4-рақамли мисолларда келтирилган иловали элементлар асосий ифодага, унда туширилиб қолдирилган мазмунни тўлдириш мақсадида, кетма-кет бириккан, чунки №1,2,-рақамли мисолларда асосий ифода таркибида умуман тўлдирувчилар йўқ, 3,4-рақамли мисолларда аксинча уюшиқ тўлдирувчилар бор, лекин бажариб келаётган синтактик функцияси жиҳатдан иловали элементга мос келмайди.

Якка ҳолда шаклланган иловали элементга хос бўлган бундай хусусиятлар, кенгайтирилган характерга эга бўлган иловали элементлар таркибида ҳам яна бир бор такрорланиши, тўлдирилиши, конкретлаштирилиши мумкин. Жумладан қуйидаги мисоллар таркибида:

5. Dann sprach er langsam, Wort für Wort: „Der General furchtete um

sein Zentrum“. Mit gutem Grund.

6. „Ich glaube schon“, sagte Kelly, „Mit einem bißchen Gluck“.

7. Du, zum Beispiel, hast Kind und Frau. Ja, ich kenne die Blocks auf Knappendorf zu. Mit den blauens Balkons.

8. Das Haus hatte im Jahre 1782 rund hunderttausend Francs gekostet. Mit dem Landbesitz freilich.

№5,6,7 ва 8-рақамли мисолларда намойиш қилинган иловали элементлар, №1,2,3,4-рақамли мисолларда келтирилган иловали элементлардан фақат структуравий мураккаблашуви, маъно хусусиятининг кенгайиши билан фарқ қилиши мумкин. ҳолос, қолган функциялари жиҳатидан улар бир-бирларига яқин туради.

Бу гуруҳга тегишли бўлган иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири иловали элементлар таркибида ниманидир туширилиб қолдирилиши билан характерланади. Масалан:

9. Jetzt wird auch noch die Stadt gespalten. Mit Stacheldraht und Panzern.

10. Und indessen hat das hungrige und mutwillige Tierdie Latten umgerissen, die den Kohl vor dem Zugriff der Hasen schützen, und hat alle drei Kohlköpfe, den ganzen Wintervorrat abgefressen. Rostlos. Mit Stumpf und Stiel und Raupe.

11. Eine kühle, sachliche Aussprache, verbunden mit hoflichem Dank an die Jungfrau für bisherige Verdienste und die Bereitschaft, lastige Garnisonen des Feindes in der näheren Umgebung vernichten zu wollen. Mit Gottes und seiner Heiligen Hilfe.

№9,10, ва 11-рақамли мисолларда таҳлил қилинаётган иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан бири уларни ташкил қилаётган компонентлар олдида -mit предлогининг қолдирилишидир.

Албатта бундай шароитларда "mit"-нинг тушириб қолдирилиши фавқуллодда бир ҳол эмас, аксинча бу жараён аниқ стилистик мақсадлар билан бевосита боғлиқ: биринчидан, В.Н. Стрельцов таъбирича тил факторларини тежаш бу ҳам стилистик усуллардан биридир; иккинчидан, иловали элемент таркибида mit-ни туширилиб қолдирилиши унинг коммуникатив функциясига зарар етказмайди, аксинча у таъсирчан бўлади, чунки mit-нинг иловали элемент бош компоненти олдида келиши, барча компонентлар учун мантикий ва мазмуний алоқадорлик кашф этади, ягона бир бутунликдай талаффуз қилинади; учинчидан, бу компонентлар ўртасида und-нинг келиши улар орасида синтактик бутунлик ўрнатади, бир-бирларига ўзаро боғлиқлигини яна бир бор кўрсатади. Бироқ mit-нинг ҳар бир иловали элементни ташкил қилувчи қисмлар олдида булмаслиги, уларни алоҳида -алоҳида мустақил ҳолда келувчи иловали элемент сифатида ажратишга халақит беради, яъни:

Nora im Friseurmantel, burstete ihr Haar. Sie sah viel junger aus, als sie war. Mit ihrem groben begierigen Mund, mit ihrer weichen Brust каби илова қурилмадек имконият ярата олмайди.

Mit-билан ифодаланиб келувчи иловали элементнинг структуравий шаклланишига боғлиқ бўлган хусусиятлардан яна бири унинг икки хил функцияда келишидир:

12. Das hatte nichts mit der Cosel zu tun. Nein, allerdings nicht. Aber mit dem König, der nicht beleidigt werden durfte.

13. Ich habe Ihren Antrag zwei Tage nach unserem letzten Gespräch genehmigt. Mit der Maßgabe, daß ich über den Termin entscheide, zu dem Sie kommen.

14. Else, das Kind aus Kossin, hatte man zuerst schrill aus dem ohne

dies unbandihen Lärm herausgehört. Mit ihrem Johlen und ihren Pfiffen, worauf sie sogar stolz war.

№12,13 ва 14- рақамли мисолларда келтирилган иловали элементларга хос хусусиятларни қуйидагича таҳлил этиш мумкин. Улар структуравий тўзилишининг кенгайишига ёки мураккаблашувига қарамасдан, содда структуравий иловали элементлардир.

Бу иловали элементлар юқорида таҳлил қилинган ва шу гуруҳга мансуб бўлган иловали элементлардан илова қурилма таркибида бажариб келаётган функциялари билан фарқ қилади, яъни улар икки хил функцияда келади: асосий ифода учун иловали элемент ва иккинчи қисм учун асосий ифода функциясида.

Одатда иловали элементлар мураккаб структуравий характерга эга бўлган иловали қурилма таркибида шундай функцияларни бажаради. Бироқ, бу ерда ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин, чунки бундай иловали элементларнинг иккинчи қисми биринчи қисмининг мазмунини конкретлаштириш мақсадида юзага келган, яъни улар тобе компонентлар сингари шаклланиб келувчи бундай эргаш гаплар ҳам ўз табиатларига кўра, эгаллаб турган позицияларига кўра иловали хусусиятга эга бўлган эргаш гаплар дейилади. Улар бу ерда фақат грамматик ифодаланиб келиши нуқтаи назардан эргаш гап бўлиши мумкин, лекин бажариб келаётган функциялари жиҳатдан гап шаклида ифодаланиб келувчи иловали элементлардир.

№12,13 ва 14-рақамли мисолларда баён қилинган иловали элементлар бир-бирларидан илова қурилма таркибидаги асосий ифодага бирикиб келиш принциплари билан қисман фарқ қиладилар, чунки №1-рақамли мисолдаги иловали элемент параллел, қолган мисоллардаги иловали элементлар эса кетма-кет бириккан. Иловали

элементларнинг параллел бирикиш усуллари қуйидаги мисолларда ҳам такрорланиши мумкин:

15. -,„In ganz Schanghai wird, wie mir berichtet wurde, unterderhand mit Blut spekuliert. Mit Blut, das der Armee gehört.“

16. Er schiweg eine Weile, dann brummte er: „Man kommt mit vielen Leuten zusammen, ja. Auch mit solchen, die man lieber nicht im Auto hatte“.

17. Über das, was hier geschieht, wird einmal Gericht gehalten werden, Pauo. Ein Teil der Anklageschrift wird mit den Kameras der Reporter geschrieben. Auch mit meiner.

Баъзи ҳолларда датив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан келувчи иловали элементлар, асосий ифодадаги бирон-бир компонентнинг бошқарувлиги билан юзага келиши ҳам мумкин. Масалан:

18. Er, mochte es sicher nicht, daß ich mit irgend jemand darüber spreche. Auch nicht mit meinen liebsten Menschen.

19. Doch Georg winkte ab: „Betsy hat den alten Schinken runtergeknallt, um uns gruseln zu machen. Kindisch. Wir sollten nicht weiter darüber sprechen. Auch mit ihr nicht.“

Mit-предлоги билан келувчи иловали элементларнинг структуравий шаклланишида зргеспеп-феълининг роли катта, чунки у ана шу иловали элементни бошқариб келаяпти. Бундай ҳолларда иловали қурилма компонентлари орасидаги синтактик алоқа ҳам кенгайди, яъни илова алоқа+бошқарув. Илова алоқаларга хос бўлган бундай хусусиятлар, унинг ниҳоятда етакчи алоқа воситаларини ҳам ўзида намоён қила олиш имкониятига эгадир. Шу сабабли биз илова алоқа воситасини

Б.Т. Турсуновдан сўнг универсал

хусусиятга эга бўлган алоқа воситаси деб биламиз. Унинг универсаллиги фақатгина ҳар қандай структуравий гуруҳга эга бўлган иловали элементларни шакллантиришда эмас, балки барча жаҳон тилларида намоён бўлишидадир.

Mit-билан келувчи иловали элементларга хос бўлган хусусиятлар бошқа худди шундай предлоглар билан келувчи иловали элементлар ёрдамида янада тўлдирилиши, кенгайтирилиши, реаллаштирилиши мумкин.

III. Von-предлоги билан келувчи иловали элементлар.

Von-предлоги билан келувчи иловали элементлар ўзларининг ёйилиш даражаси бўйича ти-предлоги билан келувчи иловали элементлардан кейин иккинчи ўринда туради. Улар ҳам бир катор функцияларни бажариб келишлари мумкин.

Энди von-предлоги билан келган иловали элементларнинг таҳлилига ўтамм:

1. Als der Vater schon zwei Jahre tot war, kam noch eine Junge, der Hans. Von einem verheiraten Mann.
2. Sie horte nur Sturm-und Regenstimmen. Vom Kriege nichts.
3. „Gombare hat mir von Ihnen erz hlt. Auch von Sumer und von der Terasse zu Baalbek“.
4. Genia, schmal und zart, sitzt etwas verloren im schweren Kontunensessel. Ihr Blick ruht auf dem Telebild, das noch immer nicht mehr zeigt als festiges Land in sonderbar fahlem Schein. Sie traugt mit offenen Augen. Von der Zukunft, von all dem, was sie in wenigen Stunden sehen und erleben wird.

Бундай илова қурилма компонентлари орасида турли хил мазмуний муносабатлар мавжуд. Бу муносабатларни қуйидагича

изоҳлаб бериш мумкин. Иловали элементлар содда структуравий иловали элементлар бўлишига қарамасдан, улар асосий ифодага нисбатан турли хил позицияларга эга бўлади. Масалан №1-рақамли мисолдаги иловали элемент нисбатан эркинрокдир, чунки у билан асосий ифода ўртасида мавжуд бўлган алоқа муносабати деярли унча мустаҳкам эмас, лекин шунда ҳам иловали элементнинг мавжуд бўлиши бу ерда содир бўлаётган воқеа-ҳодисага аниқлик киритади, яъни Ганенинг ким эканлигини конкретлаштиради. Агарда, биз бу иловали элементни №2,3,4-рақамли мисоллардаги иловали элементларга қиёс қилсак, у ҳолда улар ўртасида қандай фарқ бўлишини аниқлаб олиш мумкин. Бу фарқ асосий ифода таркибида қандайдир сигнал берувчи элементларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Сигнал берувчи элементлар функциясида *horen*, *sprechen* ва *traumen* каби феъл шаклидаги компонентлар келади. Бу компонентлар ниманидир талаб қилаётгандай, ниманидир келишини кутаётгандай кўринади. Натижада, ана шу талаб жараёнида №2,3,4-рақамли мисолларда берилган илова қурилмалар юзага келади, улар худди марказдан бошқарилаётган компонентларга жавоб тарикасида ҳосил бўлаётгандай сезилади. Уларга хос бўлган бундай хусусиятларни биз №1-рақамли мисолда келтирилган илова қурилма таркибида курмаймиз.

II Боб бўйича хулосалар

Ушбу боб “Иловали элементларнинг асосий функциялари” деб номланади. Тилшунос олимлар О.П.Жданова, В.Н.Стрельцов, Ж.А.Винтман, Б.Т.Турсуновларнинг ушбу мавзу бўйича олиб борган илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида куйидаги фикр-мулоҳазаларни таъкидлаб ўтиш лозим:

Иловали элементларнинг структуравий ва маъновий шаклланиши кузатилади.

Иловали элементларнинг асосий функциялари аниқланди.

Асосий ифодадаги бирон-бир компонентга боғлиқ бўлмаган ҳолда, умумий стилистик принциплар асосида иловали элементлар ҳосил бўлади.

Иловали элемент қўшимча маъно бериш воситаси сифатида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни изоҳлаб, тўлдириб келади.

Иловали элементларнинг ҳақиқатдан ҳам услубий ҳодиса эканлиги Б.М.Ахмедованинг «Л.Фейхтвангер ижодида илова ҳодисаси» мавзусида ёзган номзодлик диссертациясида уз ифодасини топди. Ушбу диссертацияда ёзувчининг асарларида учрайдиган иловали элементларнинг тарқалиш даражасига алоҳида аҳамият берилади. Ёзувчининг асарлари устида олиб борилган кузатишлар натижасида муаллиф куйидагича хулосага келади: «... феъл-кесим формаси ёрдамида ифодаланиб келган иловали элементларнинг бу даражада ёйилиши шу соҳада мавжуд булган айрим хулосаларга қисман узгартириш, тўлдириш киритишга олиб келади. Демак, иловали элементларнинг қандай гап булаклари ёки гап турлари ёрдамида ифодаланиб келишидан қатъий назар, қай даражада ёйилиши фақатгина ёзувчининг индивидуал услуби билан белгиланади. Индивидуал услуб иловали элементларнинг юзага келишида таъсир қилувчи омиллар ичида асосий ва ҳал қилувчи ҳисобланади».

Иловали элементларнинг таркалиши тугрисида баён килинган бундай хулосалар, уларнинг хакикатдан ҳам услубий ходиса эканлигини таъкидлаб колмасдан, балки иловали элементларнинг хар бир структуравий гурухларини алохида-алохида олиб урганишга, тахлил килишга ҳам имконият яратади. Албатта, иловали элементларнинг структуравий гурухлари алохида олиб урганилса, уларга хос булган ташки ва ички хусусиятларни гурухлаб беришга кулайликлар яратади, натижада улар узларининг тулик тахлилига эга булади.

Биз энди юкорида айтилган фикр ва мулохазаларнинг исботи сифатида, бу ерда тулдирувчилар билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг баъзи-бир стилистик функцияларини изохлаб беришга харакат киламиз. Илова курилмалар таркибида иловали элементларнинг бажариб келаётган функциялари уртасида уларнинг стилистик функциялари алохида урин тутади, чунки улар узларига хос булган бундай стилистик функцияларни турли хил формаларда шакллантиради, матннинг турли хил композицияда шаклланиб келишига асосий омил булиб хизмат килади.

Иловали элементлар ёрдамида бутун бир катта матн мазмунига якун ясалади, чунки иловали элемент томонидан билдирилаётган кушимча маъно жуда киска ифодаланган булса ҳам бу маъно салмоги жихатдан жуда ҳам мухимдир. Бу ерда уруш воқеалари тасвирланган, уруш туфайли аёлнинг эрсиз колиши ва якка холда хаёт кечириши хаммани ташвишлантиради. Уруш инсониятга, одамларга кайгу аламлар, курбонлар, вайронгарчиликлар келтириши алохида кайд этилади. Бундай фалокатлар хамма учун тегишли эканлигини алохида курсатиш максатида, ёзувчи тилда мавжуд булган иловали элементлар каби стилистик фигураларга мурожаат килади. Бундай стилистик фигура иловали элемент ёрдамида кайд килинади. Баъзи холларда илова курилма таркибида айрим компонентларнинг уз урнида келмаслиги ёки туширилиб колдирилиши, унинг стилистик функциясини янада таъсирчан булишига олиб келади.

Учинчи боб: Иловали элементларнинг структура ва маъно хусусиятлари

3.1. Иловали элементларнинг структуравий хусусиятлари

Таҳлил қилинаётган илова қурилма компонентлари ўртасидаги синтактик алоқалар ҳам қуйидагича ифодаланади: биринчидан, асосий ифода функциясида келувчи бош бўлақларнинг яхлитлиги билан; иккинчидан, бошқарув йўли билан; учинчидан эса, auch-бириктирувчи боғловчисининг мавжудлиги билан. Синтактик алоқаларнинг турли хил бўлиши, шунингдек, иловали элементларнинг ҳар хил структуравий шаклланиши, уларнинг коммуникатив функцияларига ҳам таъсир қилади. Коммуникатив функциялар конкретлаштириш, тўлдириш, изохлаш, реаллаштириш каби маъно хусусиятлари доирасидан чиқиб, баъзи бир нозикларга ҳам эга бўлади. Бу ҳолни №4-рақамли мисолда кузатиш мумкин. Иловали элементлар икки хил бирикиш усулига эга; кетма-кет ва параллел.

IV. Bei - предлоги билан келувчи иловали элементлар

1. Wie wird das erst werden bei zweihundert Metern. Bei dreihundert.

2. Nun war es ein Gespräch über Freiheit, die der einzelne hat oder nicht hat. Und da sind Grenzen gesetzt. Müssen gesetzt sein. Überall. Bei uns andere als drüben.

3. Er, Toms hatte immer einen klugen Vater zur Seite gehabt und eine kluge Mutter. Die ließen ihn nicht aus den Augen. Beim Lernen und beim Lesen und auch nicht beim Spielen.

4. Blut ist nur mit Blut abzuwaschen. So heißt es doch. Auch bei der SS.

5. Toni bremste, irgendwie beunruhigt: „Aber Elli“-, und sie horchte

zugleich auch Heinz Antwort: „Klar. Bei uns auch“.

Bei- предлоги билан келувчи иловали элементлар mit ва von предлоглари билан ифодаланиб келган иловали элементларга хос бўлган барча хусусиятларни такрорлаш билан бир қаторда, ўзига хос бўлган хусусиятга ҳам эга. Бу хусусият №2 ва №4-рақамли мисолларда келтирилган иловали элементларнинг қўшимча маъно хусусияти билан характерланади. Уларнинг бундай қўшимча маъно хусусиятлари иловали элементлар томонидан асосий ифодага билдирилаётган маънони қиёслаб ўхшатиш жараёнида уни янада кучайтиради, таъсирчанлигини оширади. Натижада иловали элементларнинг стилистик роли ошади.

Mit, von ва über предлоглари билан ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг барча функциялари in-предлоги билан келувчи иловали элемент намунасида такрорланиши мумкин. In-предлоги билан келувчи иловали элементларнинг таҳлилига ўтишдан олдин қуйидаги фикрларни бу ерда таъкидлаш ўринли деб ҳисоблаймиз. In-предлоги an, auf, über, zwischen -предлоглари билан бир қаторда икки хил келишикни талаб қилиши мумкин, датив ва Аккузатив келишикларини.

Бироқ, биз in, an, auf, über, unter, an, auf, über, unter ва von каби предлогларнинг илова қурилма таркибида бажариб келаётган синтактик функцияларини эътиборга олган ҳолда шу қисмда таҳлил қилишни лозим топдик. Бу ҳақида биз ишимизнинг иккинчи қисмида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган эдик.

In-предлоги билан келувчи иловали элементлар

In-предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар ўзларининг ёйилиш даражаси бўйича mit, von, bei предлоглари билан ифодаланиб келувчи иловали элементлардан кейин туради. Улар ҳам илова қурилманинг турли хил мазмунга эга бўлган структуравий гуруҳларини ҳосил қилишда бевосита иштирок этадилар. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги илова қурилмалар таҳлилига эътибор берамиз:

1. Altdorfer beschloß, diesen Fall aufzugreifen. In aller Ruhe.

2. Aber sie werden sich versammeln und eine Erklärung beraten. In dieser Gruppe.

3. Somit habt Ihr Gelegenheit Eure bösen Taten zu beweinen und nicht mehr zu wiederholen. Im Namen des Herrn.

4. „Bevor ich zur Front ging, war ich Student. Im fünften Semester“.

5. Der andere, so sagt er, sei in Sicherheit. In Sicherheit.

6. „Ja, überall ein bißchen dran. Aber nur in der Liebe“.

In-предлоги билан келувчи иловали элементларнинг қўшимча маъно хусусиятлари mit, von, bei- каби предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементларнинг коммуникатив функцияларидек турли хил нозикларга эга. Жумладан (1), ўрин-жой (2) аниқлик (3), пайт (4), шунингдек ички хислатлар (5) каби нозикларга эга. Шунинг учун ҳам, иловали элементлар томонидан асосий ифода ёки унинг бирон-бир компонентларининг мазмунига нисбатан билдирилаётган ва конкретлаштириш, изоҳлаш, тўлдириш, аниқлаш, умумлаштириш каби белгиларга эга бўлган қўшимча маъно доимо мантикий урғу олади ва алоҳида таъкидланади. Чунки иловали элементларнинг қўшимча янги хусусиятлари илова қурилма доирасида мавжуд бўлган барча маънолардан устун туради, шу сабабли иловали

элементнинг алоҳида бир синтактик-стилистик бирлик сифатида шаклланиб келишига имконият яратади. Иловали элементнинг табиатига хос бўлган бундай хусусиятлар илова ҳодисасини ўрганишга бағишланган кўп сонли илмий ишларда алоҳида таъкидланади. Ўқув дарсликларида zu, von, nach, aus, auf каби предлоглар билан келувчи иловали элементларнинг илова қурилма таркибида бажариб келаётган функцияларини изоҳлашга ўтишдан олдин, иловали элементларнинг ёйилиш даражасига бевосита таъсир қиладиган яна бир омилни шу ерда такрорлаш айтиш муддао бўлади, чунки фақатгина ягона ана шу омил ҳар қандай иловали элементнинг тарқалиш даражасига таъсир кўрсата олади, у ҳам бўлса ёзувчиларнинг, шоирларнинг, шунингдек журналистларнинг индивидуал услубидир. Ёзувчининг индивидуал услуби иловали элементларнинг фақатгина ёйилиш даражасини белгилабгина қолмасдан, балки уларнинг грамматик ифодаланиши жиҳатдан ҳар-хил шаклга эга бўлган структуравий гуруҳларининг пайдо бўлишига ҳам таъсир кўрсатади.

Zu-предлоги билан келувчи иловали элементлар

1. Sie lud in ein. Zu sich.

2. Ernst, der redete drauflos: „Die haben sicher am Walzwerk der Heinz Kohler erwartet. Wie er sie sah, ist er gar nicht erst kein. Irgendwo ist er hin. Zu dir“.

3. Und damit sollte nicht nur gesagt sein, daß Gottlieb sich zu Pramkes gehorig fühlte, sondern auch zu allen, die auf Pramkes Seite standen. Zu den Roten.

4. „...Aber ich werde auch darüber zu niemandem sprechen. Nicht einmal zu Larry“.

5. Riedel mag den Hauptmann, weil er ihn wie abweist und ihm nie ausweicht, während des Dienstes nicht und nicht auf Parteiversammlungen, wo Riedel immer wieder seine Fragen stellt und die anderen zu Antworten bewegen will. Zu Antworten und Veränderungen.

Илова курилма таркибида иловали элементнинг бажариб келаётган асосий функциялари қуйидагилардан иборат: иловали элементлар асосий ифодага нисбатан соф (1,2,4,5) ва соф бўлмаган (3) ҳолларда турибди; иловали элементлар асосий ифодага параллел (3,4,5) ва кетма-кет (1,2) бирикиб келган; иловали курилма компонентлари ўртасидаги синтактик алоқалар бош бўлақларнинг яхлитлиги билан (1,2,3,4,5) ; шунингдек (№4) zu-нинг такрорланиши билан (3,4,5) ва айрим компонентларнинг такрорланиши билан (5) ифодаланади; иловали элементлар якка (1,2,3) ва кенгайтирилган (4,5) шаклларда келиши мумкин; №5-рақамли мисолдаги иловали элемент такрорланиш принципи асосида ҳосил бўлган. Иловали элементларнинг асосий коммуникатив функциялари асосий ифода таркибида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга аниқлик киритиш билан, уларни тўлдириб, конкретлаштириб келади.

Zu-предлоги билан келувчи иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятлар vor, aus, nach, unter, an-предлоглари билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар таркибида оддийгина такрорланмасдан, балки уларга хос функцияларни ҳам намоиш этишлари мумкин.

Vor-предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар

1. „Pferdeapfel sammeln. Herrenloses Gut. Vor Raubolds Brauerei“.
2. Zögernd legte er die Rechte auf ihren Nacken. „Wir werden alles in Ordnung bringen. Vor Gericht“.
3. Johanna runzelte die Stirn „Mein lieber Graf, wer gut und ehrlich ist, soll sich nicht fürchten. Weder vor Gott noch vor dem Teufel“.
4. Französische Wörter oder Sätze hatte er nicht gedacht. Kurz vor dem Sprung nicht und auch vorher nicht.

Auf-предлоги билан келувчи иловали элементлар

1. „Da ist nichts mehr zu kurieren an mir. Man muß der Sache ihren Lauf lassen. Ubrigens, mit einem von den Bohrern, da druben hab ich schon diskutiert. Auf der Mittagsschicht“ .
2. Vielleicht konnte er druben als Bauer arbeiten. Auf irgendeinem Landkommando.
3. Sie zogen fast ohne Gast ab. Auf den geschlangelten Waldweg.
4. Von ihr lernte ich, auf der Laute zu spielen. Und auf einer Theorie, die schwer zu spielen ist.

Auf-предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар

1. „Ich bin der Sklave Leth“, antwortete er. „Aus dem Lager der Steinmetzen“.
2. „Aber du sollst doch eigentlich wissen, warum Leute nach druben gegangen sind. Auch aus deiner Brigade“.
3. Welche Gründe konnte Paul gehabt haben für sein Mißtrauen. Oder es gab keine, und er baute einfach auf sich. Vielleicht aus Erfahrung.
4. Ihrer Tante hatte sie vorgelogen, eine krank gewordene Jugendfreundin in Couseulles am Meer besuchen zu wollen. Um sie

in diesem Glauben zu erhalten, nahm sie nur wenig Gepäck mit.
Aber nicht nur aus diesem Grunde.

An, nach, außen ва unter-предлоглари билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар

1. „O, nein!“ Sie seufzte. „Nur... der Glanz unseres Hauses bedrückt mich, wenn ich allein bin. Ich sehne mich dann nach der Hütte a, See. Und nach unserer Hohle“.
2. „Ist doch Unsinn! Also gut, in des Teufels Namen, jeder einen Viertelzentner Weizen Sonderzulage“. Aber nur unter einer Bedingung.
3. Er, wandte ihr sein Gesicht zu. „Bevor du zuruckkommst, werde ich wieder einmal durch die Reisfelder gekrochen sein, Pauo. An den toten vorbei“.
4. Alle haben Badekleidungen an. Außer Ziewitz.

Бу ерда келтирилган иловали курилмаларнинг таҳлили асосида шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни маъқул деб топамиз, чунки, an, nach, außer ва unter-каби предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементлар ҳам mit, von, bei, zu, auf предлоглари билан ифодаланиб келган иловали элементларга хос бўлган айрим хусусиятларни ўзларининг таркибида шакллантирадилар. Бу иловали элементлар ёйилиш даражаси жиҳатдан mit, von, bei, in, vor, auf, zu иловали элементларга нисбатан анча кейинги ўринларда туради.

Умуман олганда, датив келишиги ва датив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келувчи иловали элементлар илова курилма таркибида ёки бошқача қилиб изоҳлаганда, илова алоқаларига асосланган мураккаб синтактик бутунлик таркибида

хилма-хил функцияларни бажариб келадилар. Уларнинг бундай функциялари кейинги қисмларда такрорланиши, кенгайиши, тўлдирилиши ва ниҳоят бошқача сифатларга эга бўлиши мумкин.

3.2. Иловали элементларнинг маъно хусусиятлари

Генитив келишигида аниқловчилар функциясида келувчи компонентларнинг иловали элементлар шаклида ифодаланиб келиши, иловали элементларнинг стилистик функциялари ниҳоятда кенгрок эканлигидан, шунингдек рамка конструкциясининг вариативлигидан далолат бермокда. Агарда биз трансформацион методдан фойдаланиб, иловали элементнинг ўзи бевосита боғлиқ бўлган компонент ёнига яқинлаштирсак, у ҳолда -Dieses Bild des Gemeinderatedieners Gustave Arbeit“-кўринишига зга бўлашз. аслида биз кутгандек ҳолат юз бермайди, чунки ёзувчи китобхоннинг диққат эътиборини жалб қилиш мақсадида, иловали қурилма таркибида мавжуд бўлган айрим компонентларни ўз жойида эмас, балки бошқачарок жойга кўчиришга унинг таъсирчанлигини, бадийлигини оширишга ҳаракат қилади. Шу сабаб иловали элемент функцияларида келувчи: -des Gemeinderatsdienevs Gustav Arbeit, -Gottes Segen über ihr!, Doch eines Tages - рамкадан ташкари ҳола-: кулланилади. Бироқ иловали элементлар қанчалик рамкадан ўзоклашмас улар илова ҳодисаси назариясига асосланган мулоҳазани, яъни асосий ифода билан иловали элементнинг бир-бирлари билан синтактик-семантик дот боғликликларини яна бир бор таъкидлаб келади. Бундай ҳолларда у. ўртасидаги алоқалар фақатгина синтактик муносабатларга эмас, балки мазмуний муносабатларга ҳам асосланади.

Иловали элементлар асосий ифодага нисбатан қандай позицияла келишидан катъий назар улар ўзларига боғлиқ бўлган коммуникатив функцияларни бажариб келади, яъни асосий ифода таркибидаги воқеа-ҳодиса конкретлаштириб, тўлдириб, аниқлаб келади. Иловали қурилма компонентл орасидаги синтактик алоқалар ҳам бош бўлакларнинг

яхлитлиги би ифодаланади. Демак, иловали элементлар грамматик ифодаланиши жихати хар-хил кўринишга эга бўлишидан катъий назар, улар доимо бир-бирлар тўлдириб, кенгайтириб келади. Шунинг учун ҳам, ҳар қандай гуруҳ; иловали элементларга хос хусусиятлар генитив келишигини талаб қил) предлоглар ёрдамида ифодаланиб келувчи иловали элементлар таркибида кузатиш мумкин.

Генитив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодалиб келувчи иловали элементларнинг таҳлилига утишдан олдин ана шу генитив келишигини талаб қилувчи предлогларнинг руйхатини келтириш бу ўринли деб ҳисоблаймиз. Улар қуйидагича: „abseits, abzuglich, anfangs, angesichts, anhand, anlaßlich, anstatt, anstelle, antwortlich, aufgrund, ausgangs, ausschließlic, außerhalb, behufs, beiderseits, betreffs, bezüglich, diesseits, eingangs, einschließlic, exklusive, halber, hinsichtlich, infolge, inklusive, inmitten, innerhalb, jenseits, kraft, langs, langsseits, laut, mangels, mittels, namens, oberhalb, rucksichtlich, seitens, seitlich, seitwärts, statt, trotz, umwillen, unbeschadet, unerachtet, unfern, ungeachtet, unterhalb, unweit, vermittels, vermoge, vorbehaltlich, während, wegen, zwecks“.

Демак, генитив келишиги предлогларга бой бўлишига қарамасдан, бу предлогларнинг ҳаммаси ҳам иловали элементлар функциясида келавермайди: биринчидан, бу предлогларнинг кўпи кулланишдан чиқиб кетган, яъни эскирган предлоглар; иккинчидан, ҳамма предлоглар ҳам бир текисда ёйилмаган. Бошқача қилиб айтганда, генитив келишигини талаб қилувчи предлогларнинг ёзма матнларда ёйилиши даражаси бир хил эмас.

Асосан иловали элементлар функциясида wegen, trotz, während, seits предлоглари кела олишлари мумкин.

1) Wegen - предлоги билан келувчи иловали элементлар.

1. Als er wegging von zu Hause und aus dem Dorf, ist er eingetreten.

Und hatte dann Arger. Einundsechzig. Wegen der Mauer.

2. Helgert beharrte darauf, daß ein solcher Leutnant kommen müsse.

Wegen des Beispiels.

3. Und das Ende: Krieg, Auflösung von „Marienblute, Aufschluß aus

Partei und Verband. Ja, Garl Brenten war aus der Partei und dem

Tabakarbeiterverband ausgeschlossen worde. Wegen

Disziplinbruchs“.

Баъзи ҳолларда -wegen предлоги олдида сўз бирикмалари келиб, унинг маъно хусусиятини кучайтиради, ёки ажратиб кўрсатади. Натижада wegen -предлоги билан келувчи иловали элементларнинг асосий ифодага ёки унинг бирон-бир компонентига нисбатан билдирилаётган қўшимча маъно ҳам ҳар хил нозикларга эга бўлиши мумкин.

Масалан:

4. Nickolas hatte an seiner Lehrerin doch etwas gehangen und sagte ihr

zum Abschied: „Ich werde mich ofters bei Ihnen melden, das

verspreche ich Ihnen. Vor allem wegen des Gespenstes“.

5. Peter sufzte. „Ich bin ja nun langsam auch dafür, daß Wolverhampton

Grenzen gesagt werden. Nicht nur wegen meines Auftrages auch

wegen der schlechten Aussichten für Horsewood“.

Wegen- предлоги бошқа сўзлар ёрдамида мураккаблашиб бориши мумкин. Натижада wegen томонидан билдирилаётган семантика янада конкретлашади. Бу ҳолни қуйидаги мисоллар намунасида кузатиш мумкин:

6. Wolverhampton nickte nißmutig. Meinetwegen.

7. Du mit ihr, die du gewollt hast und bekommen hast ohne weitere.
Nur deinetwegen.

8. Sie hat ihre Hand auf deinem Kopf, und mit der anderen sucht sie nach dir. Deinetwegen.

№1,2,3,4,5,6,7 ва 8-рақамли мисолларда келтирилган иловали элементларнинг таҳлили асосида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Wegen-предлоги билан келувчи иловали элементлар якка ҳолда (1,2,3,8) ва кенгайтирилган (4,5,7) шаклларда келиши мумкин; иловали элементлар томонидан асосий ифодага нисбатан билдириладиган қўшимча маъно асосан сабаб характериға эға; №4,5,7-рақамли мисоллардаги иловали элементларнинг структуравий мураккаблaшуви, уларнинг маъно томонидан янада салмоқлирок қилиб кўрсатади. Бундай илова қурилма компонентлари орасидаги синтактик алоқалар асосий ифода функциясида келувчи бош бўлақларнинг етакчилиги ва яхлитлиги билан ифодаланади. Структуравий жиҳатдан бу иловали элементлар содда структуравий иловали элементлардир, чунки илова қурилма таркибида асосий ифодаға фақатгина битта иловали элемент бирикиб келаяпти.

Wegen-предлоги айрим ҳолларда мобиллик характериға ҳам эға бўлади, яъни у ўзи бошқариб келадиган сўз ёки сўз бирикмасидан кейин ҳам туриши мумкин. Иловали элементға хос бўлган бундай мобиллик, унинг стилистик функциясини янада кучайтиради, натижада тасвирланадиган воқеа-ҳодисанинг таъсири кучаяди. Бундай ҳолларда wegen-каби предлогларнинг ҳамма вақт ҳам бир жойда, яъни коида талаб қилган жойда келмаслиги билан характерланади. Фикримизнинг исботи сифатида wegen-нинг иловали элемент таркибида қўлланилишиға эътибор берайлик:

9. „Mindestens klang es im Radio wie ein Versprechen. Wir alle, wir haben wohl in den letzten zehn Jahren den Unterschied zu spüren bekommen zwischen Klängen und Tatsachen. Die Amerikaner, die sind nicht so toricht, zu vergessen, wie etwas geklungen hat, wenn ein Krieg nicht sehr weit war. Sie wollen jetzt keinen. Der Ostzone wegen. Die Russen gegen Ihre Zone nicht her“.

Иловали элементларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири унинг бутун бир катта матннинг якунловчи компоненти сифатида келишидир. Ҳақиқатдан ҳам, иловали элементларнинг маъно хусусиятларига барча айтилган фикрларга якун ясагандай тартибда пайдо бўлади. -wegen-нинг иловали элементнинг таркибида ўзи бошқариб келаётган сўздан кейин келиши эса иловали элементларнинг стилистик функциясини янада бойитади ва кенгайтиради.

Wegen-предлоги бошқа шаклларда ҳам ифодаланиб келиши мумкин ёки бошқача қилиб айтганда wegen- урнида келувчи предлоглар унга нисбатан синонимлик функциясини бажараолишлари мумкин. Жумладан:

10. Dann stand er auf, er sagte erregt: „sie ist geblieben sagst du. Wahrscheinlich deinethalben“.

11. Er wußte, sie war eine Fruhaufsteherin, konnte jeden Augenblick in die Tür treten. Um Himmels willen!

Wegen-предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг функциялари глогг-предлоги билан ифодаланиб келувчи иловали элементларнинг бажариб келаётган функциялари ёрдамида тўлдирилиши, изоҳланиб келиши мумкин. Бу ҳолни қуйидагича мисоллар таҳлилида кузатиш мумкин:

1. Und wissen sie auch, welche Aufgabe das Drosselventil hat.

Drosselventil. Josef wußte das. Trotz der Haare.

2. Sie fuhr ihm mit der Hand über die Stirn: Er schlief, Warm war er. Trotz der regennassen Kleider warm.
3. Thomas Helger kann ihm durchaus nicht sicher vor. Trotz der Streiche, mit denen der Bursche die letzte Zeit seinem Ruf geschadet hatte.

Генитив келишигини талаб қилувчи предлоглар сон жиҳатдан Аккузатив ва датив келишигини талаб қилувчи предлогларга нисбатан кўпроқ бўлишига қарамасдан, иловали элементлар функцияларида қўлланилиши жиҳатдан жуда ҳам паст даражага эга. Жумладан - während предлоги билан келувчи иловали элемент бир донани ташкил қилади ҳолос.

1. wahrscheinlich wieder eine Versammlung. Während der Arbeiterzeit.

Генитив келишиги ва генитив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан келувчи иловали элементлар фақат биз ишлаб чиккан асарларда камроқ учраган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг кам ёйилганлиги тўғрисидаги бизнинг хулосаларимиз бу ерда шартли характерга эга.

III боб бўйича хулосалар

Иловали элементларнинг структура ва маъно хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдириш мумкин: Иловали конструкция масаласи ҳозирги замон тилшунослик фанида энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланиб, кўплаб тилшунос олимларни ўзига жалб этмоқда.

Масалан, иловали конструкциялар тилшунослик фанида, яъни қисман немис тилшунослик фанида кўп соҳаларида текширилмоқда. Иловали конструкциялар масаласи стилистик томондан ўрганилмоқда. Лекин бу масаланинг ҳамма томонлари ҳам бир хил ўрганилаган дейиш мумкин эмас, чунки синтактик томондан қарасак, унинг кўп структуравий томонлари ҳам ёритилмаган.

Бироқ биз ўзимизнинг магистрлик диссертация ишимизда иловали конструкцияларни ҳам структуравий томонларини кўриб чиқамиз деб мақсад қўйганмиз ва баъзи бир иловали конструкцияларни структуравий ва семантик жиҳатдан ўрганиб чиқиб қуйидаги хулосага келдик.

1. Ҳозирги замон немис ёзувчиларининг асарлари билан танишиш, шу нарсани таъкидладиким, гап бўлаклари формасида келувчи иловали конструкциялар ҳам, бошқа структуравий конструкциялардек кўп тарқалган;
2. Магистрлик диссертацияда кўрилган гап бўлаклари формасидаги иловали конструкциялар структуравий жиҳатдан содда структуравий иловали конструкциялардир.

3. Иловали конструкцияларнинг компонентлари ўртасидаги синтактик алоқа: биринчидан, бириктирувчи сўзлар орқали; иккинчидан бош бўлақларнинг бирлиги асосида амалга оширилади.

Иловали элементлар асосий ифодадаги иш-ҳаракатнинг содир бўладиган жойини, пайтини ва шунингдек миқдор ва даражасини кўрсатиб келади.

Иловали конструкция масаласи бу биринчидан стилистик масаладир. Шунинг учун ҳам кўпинча тилшунос олимлар, унинг ана шу томонини ўрганиб, структуравий ва маъно хусусиятини четда қолдирмоқда. Бироқ бу масала ҳар томонлама ўрганилганда у тўғрисида тўлиқ маълумот олиш мумкин бўлар эди. Магистрлик диссертациясининг асосий моҳияти ҳозирги замон немис тилида гап бўлақлари формасида ифодаланган иловали конструкцияларнинг структуравий ва маъно хусусиятини акс эттириш билан боғланган.

Агарда асосий ифода таркибига кировчи иловали элементларнинг сонли икки ва ундан ортиқроқ бўлса, бундай иловали конструкциялар мураккаб структуравий иловали конструкциялар деб аталади.

Айрим иловали конструкцияларда, иловали элементлар баъзи бир гап бўлагининг талаби билан ҳосил бўлсада, бироқ асосий ифода билан иловали элемент ўртасидаги синтактик алоқалар бош бўлақларнинг биринчи воситасида тикланиши мумкин. Лекин синтактик алоқани ўрганишда, шу иловали элементларни келтириб чиқарувчи айрим элементлар иштирок этиши ҳам мумкин.

Баъзи ҳолларда иловали элементлар асосий ифодада унда

англашган иш – ҳаракатни қай ҳолда содир бўлишини кўрсатиб келиши мумкин.

Иловали конструкцияда иловали элемент ўзига хос структурага эгадир. Иловали элементнинг бундай структураси, гапларнинг уюшиқ бўлакларидан иборат, яъни анализ қилаётган иловали конструкцияда иловали элемент бир хил гап бўлаги шаклида ифодаланган, иловали элемент маъно томонидан ҳар хил жиҳатдан бир хил гап бўлагидан иборат, яъни миқдор ва даража холи формасида ифодаланган. Улар ягона иловали элемент структураси шаклида ифодаланишидан қатъий назар асосий ифоданинг сўнгги компонентини аниқлаб, изоҳлаб, тўлдириб келган.

Хулоса

Немис тилида илова ҳодисасини ўрганиш ва иловали элементларнинг илова қурилма таркибида бажариб келаётган функцияларини таҳлил қилиш асосида қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

Аккузатив келишиги билан ифодаланиб келган иловали элементлар ўзларининг фақат тараклиш даражасигагина эмас, балки турли шаклларда ифодаланиб келишлари билан датив ҳамда генитив келишиклари билан ифодаланиб келган иловали элементларга нисбатан ниҳоят даражада устун туради;

Датив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементлар ўзларининг кўп сонлилиги, шунингдек предлогларнинг иловали элементлар функциясида келишлиги билан Аккузатив келишигини талаб қилувчи предлоглар билан ифодаланиб келган иловали элементларга нисбатан анча устун туради;

Mit, für, bei, von, in предлоглари билан ифодаланиб келган иловали элементлар vor, zu, nach, aus, auf, über предлоглари билан ифодаланиб келган иловали элементларга нисбатан юқори поғонада туради;

Um, bis, außer-предлоглари билан ифодаланиб келган иловали элементлар жуда ҳам кам ёйилган иловали элементлардир;

Барча грамматик формада ифодаланиб келган иловали элементлар якка ёки кенгайтирилган ҳолда келиб, содда структуравий иловали элементлар ҳисобланади, чунки илова қурилма таркибида асосий ифодага бирикиб келувчи иловали элементларнинг сони биттадан ошмайди;

Иловали элементлар илова қурилма таркибида хилма-хил функция-ларни бажариб келади; структуравий, маъновий, стилистик,

параллел ва кетмакет бирикишлик; коммуникатив, моно- ва полифункционаллик, "соф" ва "соф бўлмаган", ремалилик ва бошқалар;

Илова қурилма компонентлари орасидаги синтактик алоқалар турли-хил йўллар билан ифодаланади: контакли сўзлар ёрдамида, лексик бирликларнинг такрорланиши билан; баъзи бир иловали элементлар олдида бириктирувчи боғловчиларнинг келиши билан; асосий ифода функциясида бош бўлақларнинг келиши, етакчилиги ва яхлитлиги билан; илова алоқалар хар-хил конструктив алоқалар билан ҳам кенгайтирилади: мослашув, бошқарув; алоқаларнинг синтактик воситалар билан бирга илова қурилма компонентлари ўртасидаги мазмуний алоқалари ҳам хал қилувчи роль уйнайди;

Илова қурилма компонентлари, яъни бошқача қилиб айтганда, асосий ифода билан илова элементлар доимий бир-бирлари ҳам синтактик ва семантик муносабатда бўлади, бу ҳол уларнинг ягона мураккаб синтактик бутунлик эканини яна бир бор тасдиқлайди;

Иловали элементларнинг асосий ифода ёки унинг бирон-бир компонентига нисбатан билдирилаётган қўшимча маъно турли хил коммуникатив функцияларни ифодалайди; конкретлаштириш, изоҳлаш, тўлдириш, реаллаштириш. Бу маъно хилма-хил нозикликларни келтириб чикаради; аниқлаш, сабаб-окибат, пайт, изоҳ, тусиксизлик, қиёс ёки ухшатиш, шарт, тўлдирувчи, жой-макон, мақсад ва бошқалар;

Иловали элементлар стилистик функцияларининг таъсирчанлигини кучайтирувчи омиллардан бири-бу иловали элементларнинг таркибидаги айрим компонентларнинг вариативлиги, синонимлиги ва инверсия ҳолатига учрашидир.

Гап бўлақлари формасидаги иловали элементлар турли хил структуравий тузилишларга эга бўлиши, хилма-хил маъно

хусусиятларини намоён қилиб келиши билан бир қаторда маълум бўлақларга нисбатан ранг-баранг услубий вазифаларни ҳам бажариб келиши мумкин. Иловали элементларнинг стилистик вазифалари табиат ва жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, асар қаҳрамонларининг фоолиятини, ҳатти-ҳаракатини, фикр-ўйини, ҳис-тўйғуларини, шунингдек, уларнинг психологик кечинмаларини, уларга хос бўлган ижобий ва салбий ҳислатларни тасвирлаб ва таърифлаб беришдан иборат. Уларга хос бўлган бундай хусусиятларни тасвирлаб беришда ва тасвирланаётган воқеани китобхонга етказишда турли туман тасвирий воситалардан фойдаланилади. Бундай тасвирий воситаларнинг ифодаланиш усуллари ҳам турли-туман. Улар: умумийликни конкретлаштириш, антитеза, такрор воситаси, перифраз, бирон-бир элементнинг туширилиб қолдирилиши, сўз тартиби, ўхшатиш ва бошқалар.

Демак, бундай хилма-хил тасвирий воситаларни изоҳлаб беришда лексик ва грамматик воситалар муҳим роль ўйнайди. Биз бу ерда тасвирий воситаларни изоҳлашда грамматик воситалардан фойдаланилган. Грамматик воситалар бу гапнинг иловали элементлари, яъни иловали элемент томонидан бажариб келинаётган стилистик функциялардир. Ўз-ўзидан маълум гапдаги иловали элемент бу, ўз навбатида, услуб воситасидир. Унинг услуб воситаси эканлигини тасдиқлаш мақсадида академик Ғ. Абдурахмоновнинг қуйидаги фикрини келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз: «Гапнинг ажратилган бўлақлари (иловали элементлари) услуб воситаларидан биридир. Мураккаб фикрни содда, ихчам ва таъсирли ифодалаш усулларида бири ажратилган бўлақлардан, иловали элементлардан фойдаланишдир. Шунинг учун ҳам ажратилган бўлақлар, иловали элементлар масаласи

грамматикагина эмас, балки, услуб, оҳанг, тиниш белгилари масалалари билан ҳам боғланади. Ажратилган бўлаклар ўзининг грамматик белгиси мазмуни ва вазифасига кўра, синтаксиснинг махсус соҳаси - мураккаб гап синтаксисининг ўрганиш манбасидир».

Демак, иловали элементлар ҳам турли-туман образли сўз ва сўз бирикмалари шаклларида ифодаланиб келиб, матнлар доирасида турли-туман стилистик функцияларни ҳам бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент: «Ўқитувчи», 1996. -247 б.
2. Адмони В. Г. Синтаксис современного немецкого языка. Л., 1973. -С. 366
3. Адмони В. Г. Пути развития грамматического строя в немецком языке. М., 1973. -С. 171
4. Алимарданов Р. Инглиз ва ўзбек тилларида интонация моделлари ва уларнинг вазифалари ҳақида. Актуальные проблемы сравнительно-типологического изучения языков. Материалы симпозиума. - Термез, 1999. С. 12- 15.
5. Алимарданов Р. Интонация ва синтаксис муносабати. Матн ва унинг талқини. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-18-ноябрь 2000 йил). –Самарқанд: СамДЧТИ, 2000. -б. 240- 244
6. Ахмедова Б. М. Илова қурилманинг баъзи бир структуравий хусусиятлари (Л. Фейхтвангер асарлари асосида). -Самарқанд: Сам ДУ. 1997. -53- б.
7. Ашурова Д.У. Стилистика и лингвокультурология. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 2004 йил 26-27 ноябр).-Самарқанд: СамДЧТИ, 2004. -б. 204-206
8. Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. док. филол. наук. - Ташкент,1993. -46 с.
9. Бўронов Ж. Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1973. -284 б.
10. Бушуй А. М. Лингвистика текста и речевая деятельность.

- Матн ва унинг талқини. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-18-ноябр 2000 йил). -Самарқанд: СамДЧТИ, 2000. -б.20-29.
11. Бушуй А. М. Типология семантических корреляций в немецком и английском языках. «Олий мактабларда хорижий тилларни ўргатишнинг лингвистик ва услубий муаммолари» мавзусидаги республика илмий амалий конференция материаллари. Самарқанд: Сам ДАҚИ, 2002. –б.5-9.
 12. Бушуй А.М., Зияева С. Ажратилган сўз бирикмаси немис тили синтактик сатҳда деривацион ҳодиса сифатида. Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим. -Самарқанд: СамДЧТИ, 2004, 3(12). -б. 9-19
 13. Гжаниянц Э. М., Астапова Г. М. Сравнительно-сопоставительный анализ повтора в парцеллированных структурах английского и русского языков. Сб.: Семантико-стилистические исследования текста и предложения. Л.: Ленингр. гос. пед. ин-т., 1980. С. 31- 38.
 14. Джусупов М., Кудакеева А.З. О взаимосвязи внутренней формы фразеологизма и его лингвокультурологической сущности. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 2004 йил 26-27-ноябр). -Самарқанд: СамДЧТИ, 2004. -С. 142-143.
 15. Иванчикова Е. А. Лексический повтор как экспрессивный приём синтаксического распространения. -В кн.: Мысли о современном русском языке. - М., 1969. С. 126-139.
 16. Ильина С. Г. К вопросу о наиболее типичных прилагательных обособленных элементах в английских научных текстах. Кн.: Общественно-политический и научный текст как

- предмет обучения иностранным языкам. Тезисы докладов и сообщений. М., 1986. -С. 59-60.
17. Ихсангалиева Г. К. Функционально-прагматический анализ заголовков. Автореф. дисс. на соиск. учён. степ. канд. филол. наук. - Алматы, 2000. - 30с.
 18. Маскопов Б. Ўзбек тилидаги илова конструкциялар ҳақида. –Журнал: «Ўзбек тили ва адабиёти», 1970, №6, 50-53-б.
 19. Маскопов Б. Ўзбек тилшунослигида илова конструкциялари масаласи. –Журнал: «Ўзбек тили ва адабиети», 1973, №6, 49-51-б.
 20. Мешкова Л. А. Структурно-семантические и стилистические особенности предложений, ослаженных несколькими глагольными сказуемыми. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук. М., 1984. -25 с.
 21. Потапова Ж. Е. Структурно-стилистические особенности повторной номинации в конструкции обособленного приложения. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук. -Львов, 1982. -23 с.
 22. Потапова Ж. Е. К вопросу о стилистическом изучении повторной номинации. -Вестник Харьк. гос. ун-та, 1977, №159, вып.10. -С.85-88.
 23. 24. Потапова Ж. Е. О стилистическом аспекте изучения обособленного приложения. -Вестник Харьк. гос. уни-та, 1978, №170, вып.11. -С. 64-68
 24. Потапова Ж. Е. Экстралингвистические факторы, влияющие на стиль и язык литературы для детей и юножества. - Вестник Харьк. гос. уни-та, 1981, №220, -С.72-77
 25. Потапова Ж. Е. Стилистические функции многофокусной

- повторной номинации в конструкции обособленного приложения.
-Вестник Харьк. гос. уни-та, 1982, №231, -С.66-70
26. Расулова М.И. Соотношение мыслительных и лексических категорий в лингвистических исследованиях. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. (Самарқанд 2004 йил 26-27 ноябр). - Самарқанд: СамДЧТИ, 2004. -б. 182-184.
 27. Рахимов С. Р. Проблема построения и понимания текста. Лингвистическая интерпретация специального текста и активизация обучения иноязычному общению. Материалы международной теоретической конференции (Самарқанд 28-30-сентября 1998 года). –Самарқанд: Сам ГУ. 1998. –С. 136-140.
 28. Русча- ўзбекча луғат. I- том. -Тошкент, 1983. -807 б.
 29. Русча- ўзбекча луғат. II- том. -Тошкент, 1984. -808 б.
 30. Саттаров М. Матн, унинг таркибий қисмлари ва бирлаштирувчи воситалари ҳақида. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-18-ноябр 2000-йил) - Самарқанд: Сам ДЧТИ. 2000. -б. 138-142.
 31. 32. Сафаров Ш. С. Некоторые вопросы контенсивно-контрастивного слово образовательного анализа. Замонавий тилшунослик ва хорижий тилларга ўргатиш методлари. Халқаро конференция материаллари (1999-йил, 18-20-май, Самарқанд) - Самарқанд: Сам ДУ, 1999. -б. 34-45.
 32. Эйхбаум Г. Н. Обособленные члены предложения в немецком языке. Л., 1974. –130 с.
 33. Янко Т. Е. О понятиях коммуникативной стратегии. – Журнал: «Вопросы языкознания», 1999. №4. –С. 28-46.
 34. Admoni W. Der deutsche Sprachbau. М.,- Л.,1966. – 284 S.

35. Arssenjewa M. G. u.a. Grammatik der deutschen Sprache M., 1960. -436 S.
36. Beuchel A., Langer H. Sprachökonomie und Sprachkorrektheit. Sprachpflege. Zeitschrift für gutes Deutsch. Verlagspostamt Leipzig. Heft 12 Dezember 1978. S.246.
37. Duden Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. JI. 1962. - 703 S.
38. Gulyga E.W., Nathanson M.D. Syntax der deutschen Gegenwartssprache M., L., 1966. -226 S.
39. Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. VEB Bibliographisches Institut Leipzig -1967. -518 S.
40. Moskalskaja O. I. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. -M., 1983. -344 S.
41. Motsch W. Untersuchungen zur Apposition im Deutschen. - "Studia grammatica", 5. Syntaktische Studien. Berlin, 1971. -169 S.
42. Paul H. Deutsche Grammatik. Vierter Band. VEB Max Niemeyer Verlag Halle (Salle), 1955. -425 S.
43. Riesel E. Abriss der deutschen Stilistik. M., 1954. -404 S.

Фойдаланилган бадий адабиётлар рўйхати

1. Brecht Bertolt. Dreigroschenromam. Aufbau- Verlag, Berlin und Weimar 1968. - 492 S.
2. Feuchtwanger Lion. Narrenweisheit oder Tod und Verklärung des Jean-Jaques Rousseau. Aufbau - Verlag, Berlin, 1953. - 442 S.
3. Feuchtwanger Lion. Die häßliche Herzogin Margarete Maultasch. Aufbau - Verlag, Berlin, 1954. - 310 S.
4. Feuchtwanger Lion. Die Brüder Lautensack. Greifenverlag zu Rudolstadt.

1956, - 346 S.

5. Flegel W. Ein Katzensprung. Militärverlag, Berlin, 1976, - 251 S.

6. Hörnig Ursula. Palermo und die himmelblauen Höschen. VEB Hinstorff Verlag Rostock, 1972. - 186 S.

7. Kayser Barbara. Sie nannten sie Anna. Anna und ihre Kinder. Printed in Great Britain November, 1991. - 624 S.

8. Kellerman Bernhard. Totentanz. Verlag Neues Leben, Berlin. 1981.
–380 S.

9. Kraft Ruth. Unruhiger Sommer. Verlag der Nation Berlin, 1985.
– 350 S.

10. Seghers Anna. Die Entscheidung. Aufbau- Verlag Berlin, 1963.
– 597 S.

11. Steinberg Werner. Als die Uhren stehenblieben. Mitteldeutscher Verlag, Halle-Leipzig, 1960. - 463 S.

Интернет манбалари

mail:disert@list.ru

mail:disertant@mail.ru

mail:info@disserr.ru

www.all-referats.ru

www.bankrabort.com

www.dissforall.com

www.ref.uz

www.nauka-shop.com

www.google.de